

ДЕЙЛ КАРНЕГИ


Сабот ортидаги манзил

Сиз излаган китоб

*...Нотиқлик санъат даражасига кўтарилганда,
тингловчиларга яхши сахна асари ёки бадиий фильм
кўриб чуқур таассурот олган каби ҳис уйғотади.*

MAJBURIY
NUSXA

Тошкент – 2013



УДК: 821.512.133-3

КБК: 88.52 - *шахс психологияси*

К 25

Карнеги, Дейл

Сабот ортидаги манзил. Таржимон: Хайрулла Қосимов

– Тошкент: «Yurist-media markazi» нашриёти, 2012 йил, 60 бет.

ISBN 978-9943-387-62-1

УДК: 821.512.133-3

КБК: 88.52

Тақризчи:

Абдулазиз Абдурахмонов,
фалсафа фанлари доктори

Масъул муҳаррир:


Муяссархон Охунова, адабиётшунос.

Нашрга тайёрловчи:

Акмал Нажмиддинов

ISBN 978-9943-387-62-1

© «Yurist-media markazi» нашриёти, 2013- йил



МУҚАДДИМА

Муҳтарам китобхон! Бугун ушбу навбатдаги рисола таржимаси орқали яна сиз билан мулоқотга киришаётганимиз жуда ҳам мароқли.

Ҳозиргача «Сиз излаган китоб» туркумида эътиборингизга ҳавола этилган «Чидаш санъати», «Безовталиқ офати», «Изтироб асоратлари», «Эътироф баҳоси», «Иқрорлик – мағлубият эмас», «Фаолият – галаба шоҳсупаси» номларида эркин таржима қилинган рисолалар билан танишиб чиқдингиз.

Ушбу китоб ҳаётнинг барча жабҳаларида – оилада, ўқишда, ишда, ишлаб чиқаришни бошқаришда, одамлар билан самимий, ишчан мулоқотлар ўрнатишда, мантиқий фикр-мулоҳаза юритиш, муваффақиятга эришиш сирлари, дўстона ва оқилона турмуш тарзини шакллантира олиш каби иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий босқичларида, кундалиқ турмушимизда учрайдиган муаммо ва унинг ечимларини ижобий ҳал этишда ҳар бир инсонга дастур даражасидаги қўлланма эканлигини эътироф этмай иложимиз йўқ.

Буни қарангки, бугунги кунга келиб, Дейл Карнеги асарларини ўзбек тилига ўгириш бир ижодий мусобақага айланиб бормоқда.

Бу ношир ва таржимонларимизнинг ўқувчиларни ҳаётда фаол бўлишлари учун қўшган ўзига хос кўмакчи, ҳиссасидир.

Ҳар қандай санъат ўз қонун-қоидалари, услублари ва негизига эга. Ушбу китобимизнинг дастлабки бобида биз сўзлашув – нутқ самарадорлиги ва таъсирчанлигини таъминлаш ҳамда уни ҳаётда қўллай олиш усуллари билан танишамиз.

Биз бу қўлланма туфайли келгусида балоғат ёшидаги инсонларнинг чиройли, равон сўзлаша оладиган бўлишларини хоҳлаймиз. Бунинг учун бирдан-бир йўл – мақсад сари тўғри интила билиш, унинг пойдеворини мустаҳкам қуришдан бошлаш лозимлигини таъкидлашни истардик.

Инсон кўнглидаги фикр – мақсадни икки оғиз сўзда ифодалай олмаса, эшигувчи – тингловчига етказа олмаса, бундан ортиқ жоҳиа, тушкунлик йўқ.

Мен буни ҳеч қандай муболағасиз айтмоқдаман.

Мен нотиқлик санъати ўқувини ташкил қилиш ва машғулотлар ўтказишни 1912 йил – айнан машҳур океан лайнери «Титаник» Шимолий Атлантиканинг музли сувлари остига фарқ бўлган йили бошлагандим.

Ўқув машғулотлари дастури билан таништириш мақсадида ўтказилган йиғилишларда тингловчилар нималарни ўрганадилар, Дейл Карнеги машғулотларининг қандай аҳамияти бор каби масала-саволлар атрофлича муҳокама қилинарди. Уларнинг кўпчилигига хос бўлган муаммо – нутққа бориб тақаларди. «Мендан ўрнимдан туриб бирор гап айтишни сўрашса, ўзимни қанчалар қўлга олиб сўзлашга ҳаракат қилсам-да, барибир ўзимни йўқотиб қўяман. Гапларим пойма-пой бўлиб, нима деяётганимни ҳам билмай қоламан. Мен кўпчилик олдида хо-

тиржам, чиройли сўзлашни жуда хоҳлайман. Фикрларимни жамлаш, мантиқий сўзлаш, ўзимни тутиб олиш, тортинчоқликдан халос бўлган ҳолда ҳар қандай даврада бемалол ва равон сўзлашни истайман».

Бундай кайфият, ҳолат сизга ҳам танишми? Бундай ноқулайлик бошингиздан ўтганми? Ҳар қандай давра қаршисида икки оғиз гапни қойилмақом қилиб сўзлаш қўлингиздан келадими? Сиз бунга тайёрсиз. Ишонқирамаяпсиз. Бунақа гумон-шубҳаларни бас қилинг. Модомики, Сиз ушбу китобни қўлингизга олиб, ўқишни бошлаган экансиз, албатта ўз фикр-мулоҳазаларингизни маъноли ифодалай олиш қобилиятингиз шакллана бошлаганига ишонч ҳосил қиласиз.

Қалбимдан сезиб, нима демоқчи бўлаётганингизни фаҳмлаб турибман. Агар мен билан сўзлашиш имкони яти туғилиб қолса, «Жаноб Карнеги, наҳотки мен келгусида нутқимдаги қусурлардан қутулиб, равон сўзлай олишимга ишонсангиз?! Менимча, кўнглимни кўтариш, руҳлантириш учун шундай демоқдасиз, тўғрими?» деган бўлардингиз. Мен бундай савол берувчиларга жуда кўп дуч келдим.

Ўз ҳаётий тажрибаларимдан келиб чиқиб, виждонан сизни ишонтириб айтаманки, Сиз ҳамма-ҳамма нарсага қодирсиз. Қўлингиздан келмайдиган бирор иш, сиз еча олмайдиган бирор муаммо бўлиши мумкин эмас.

Мен ўз ҳаётим даврида беҳисоб кишиларни беҳуда безовталиқдан халос бўлишга, ваҳима-қўрқувни енгишга, инсон ўз куч-қобилиятига ишонч билан қарашга ўргатдим. Шунга қадар тингловчиларимга тавсия қиладиган бирор адабиёт – қўлланма йўқ эди. Курс фаолияти бевосита тингловчилар ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, хотиралар асосида олиб бориларди. Бугун мен сизга нима деяётганимдан қатъий назар, бир нарсани аниқ биламан ва ишонч билан айтаман: агар сиз ушбу

китобдаги маслаҳат ва йўл-йўриқларга тўғри амал қилсангиз ҳаётингизда мўъжиза, қувончли ўзгариш рўй бераётганини англаб етасиз.

Сиз аудитория қаршисида стулга ўтирган ҳолда фикрларингизни жамлаб сўзлашингизга бирор монетьлик кўрмайман. Тўғриси айтсам, нега энди одамлар қаршисида сўзламоқчи бўлсангиз ҳаяжон, қўрқув ичра асабларингиз титраши керак? Нима, улар сиздан имкони йўқ нарсани талаб қилишяптими? Ахир, улар ҳам сизга ўхшаган одам. Сиздан ортиқ жойи ёки алоҳида имтиёзи йўқ! Шунинг учун ҳам ҳозирча сизга ноқулай туюлаётган нуқсонлар ўқиш ва амалий машғулотлар давомида бартараф этилади. Табиатингиздаги тортинчоқлик ҳисси аста йўқолиб кетади. Шу нуқтаи назардан эътибор берилганда қўлингиздаги китоб унча-мунча хоҳишларингизни рўёбга чиқаришда чин кўмакчи бўла олади.

Биз анатомия-физиология ёки нутқ товушлари талаффузида иштирок этувчи аъзоларнинг ҳолати билан танишмаймиз, ўрганмаймиз. Биз ишни сизнинг ҳозирги ҳолатингиздан бошлаб, сиз нимага интилаётган бўлсангиз, ўша билан тугатамиз.

Сиздан талаб қилинадиган ягона вазифа бу китобда келтирилган тавсияларни жиддий бажариш, ҳар қандай мулоқотлардан ўринли фойдаланишдан иборат. Сиз қисқа муддатда кўнглингиздаги хоҳишларга эришиш учун қуйидаги тўрт йўл-йўриққа риоя қилишингиз шарт:

1. Мақсадга етиш учун дадиллик ва бирор-бир қатъий сабаб билан нутқингизни бошланг.

2. Сўзга чиқишга, албатта, тайёргарлик кўринг. Нима демоқчи эканлигингизни олдиндан билмасангиз, ўзингизни қатъиятсиз ҳис этасиз.

3. Ўзингизга ишонинг ва ҳар қандай қўрқувни енгинг.

4. Юқоридагиларни амалда қўлланг.

Бу ёруғ дунёда бирор тирик жонзот йўқки, у табиатан нотиқлик иқтидори билан туғилмаган бўлсин. Олис тарих саҳифаларидан нотиқлик санъати юксак мартаба даражасига кўтарилгани ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келган. Унинг қатъий талаб ва қоидалари мавжуд бўлиб, риторика (нотиқлик санъати назарияси) фанининг вужудга келишига асос бўлган. Бизнинг кунларимизга келиб риторика омма ҳузуридаги давомли суҳбат даражасига тушиб қолди. Ўтмишдаги нотиқлик бўйича шаклланган анчайин анъаналар бутунлай йўқолиб кетди.

Эндиликда тантанали маросим-у қурултойларда, масжидларда, радио ва телевидениеда оддийгина бизга ёқадиган тарздаги нутқ ва эшиттиришлар маъқул келиб қолган. Биз хаёлан улар билан суҳбатлашгимиз, баҳслашгимиз келади. Бу суҳбатлар ўқитишдан кўра ўзаро мулоқотга ўхшаса янада соз бўларди.

Ўша 1912 йилларда тингловчиларим билан ўтказиладиган машғулотларни, талабалик давримда сабоқ берган ўқитувчиларимга тақлид қилганча олиб борар эдим. Аммо кўп ўтмай курс дастурига кўра дарсларни нотўғри ташкил қилаётганимни тушуниб етдим. Мактаб, коллежларда ўқув қўлланмаларини ўзлаштириш услуби менинг ўқув машғулотларим тингловчиларини қаноатлантирмаслигини, кўзланган самарага эришиб бўлмаслигини англадим ва бундай эскирган қоидалардан воз кечишимга тўғри келди.

Мен тингловчиларимда ўзига ишонч, дадиллик бахш этувчи усуллар ёрдамида асоссиз тортинчоқлик, ҳаяжон ва қўрқувни бартараф этиш, дадил мулоқотга киришиш кўникмаларини ҳосил қилишга киришдим. Яъни ҳар бир тингловчим билан дастлаб якка тартибда, сўнг тингловчилар билан биргаликда суҳбатлар ўтказа бошладик. Уларда бошқалар олдида сўзлай олиш кўникмалари пайдо бўлгач, аста-секин ўзга нуқсонлар ҳам бартараф бўла бошлади. Шу тариқа улар

билан мулоқотлар, мулоҳаза-мунозаралар, мурожаатлар кўла-ми кенгайиб борди. Бу усулимиз амалда ўзини оқлай бош-лади. Бу борадаги ахборот-маълумотлар билан қизиқувчи-лар идорада, уйда ва турли газета-журналлар тахламларида-ги турли штат-шаҳарлардан келган беҳисоб миннатдорчи-лик хатларидан билиб олишлари мумкин.

Минглаб тингловчиларимдан бири мисолида сизга қизиқ воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман. Бир неча йил муқаддам ўқув машғулотларида эндигина қатнаша бош-лаган филadelphiaлик машҳур бизнесмен Д.У. Жент мени тушликка таклиф қилиб қолди. У столга эгилга-нича менга деди: «Жаноб Карнеги, мен доимо йиғи-лишларда сўзга чиқишдан қочиб юраман. Бунақаси жуда кўп бўлган. Ҳозир эса аҳволим янада мураккаблашди. Мени коллеж мураббийлар кенгашининг раислигига та-йинлашди. Эндиликда мен уларнинг ҳар бир йиғили-шини бошқаришим, кириш-яқунловчи сўзлар айтишим, яъни раисликни олиб боришим лозим.

Шу ёшимда бу ишларни бажариш, сўзга чиқишни ўрганишга уқувим етармикан?» деди.

Одамлар билан ишлашда ўз тажрибамдан келиб чи-қиб, бундай савол-муаммоларга кўп бор дуч келганман. Мен Жентнинг, албатта, бу борада муваффақият қозо-нишига ишонишимни айтдим. Тахминан, орадан уч йил-ча ўтди. Биз саноатчилар клубида учрашиб қолдик ва яна бирга тушлик қилдик. Мен ишлар қандай кетаёт-ганлиги билан қизиқдим. У кулимсираб, чўнтагидан қизил дафтарчасини олиб кўрсатди. Унда бир неча жой-ларда сўзга чиқишга таклиф қилинганди.

– Омма олдида нутқ сўзлаш эндиликда менга катта қониқиш, ҳузур бағишлайди. Негаки, ўзимни шу ишим билан жамият манфаатларига хизмат қилаётганимдан фахрланиб кетаман.

Жентнинг сўзларида мамнунлик, лаёқат жўшқинлиги сезилиб турарди.

Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Бу ёғини ҳам билиб қўйинг: унинг черковдаги жамоадошлари Буюк Британия бош вазири ўринбосарини Филадельфиядаги йиғилишда сўзга чиқишга таклиф этишганди. Шундай мўътабар йиғилишни олиб борган ва бош вазир ўринбосарига сўз берган ҳам жаноб Д.У. Жент эди!

Ҳа, бу ўша уч йил аввал, мендан нотик чиқадими, деб тушкун ҳолатда маслаҳат сўраган инсон эди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бир куни идорамга «Б.Ф. Гудрич компани» бошқаруви раиси Девид М. Гудрич кириб келди.

– Бутун умрим давомида кишилар олдида сўзлаш англаб бўлмас даражада кайфиятимда чўчинқираш пайдо қилади. Боз устига, йиғилишларни бошқарув раиси сифатида ўзим олиб боришим лозим. Бошқарув аъзолари кўп йиллардан бери таниш кишилар. Улар билан ҳар қанча гаплашсам, маслаҳатлашсам, ҳеч қандай ноқулайликни ҳис қилмайман. Бемалол, хотиржам мулоқотга киришман. Аммо... ўрнимдан туриб, нутқ сўзлаш зарурати туғилдими – тамом. Вужудимни ноқулай ҳислар қуршаб олади. Ичимдан сўзим чиқмай қолади. Бу ҳол кўп йиллардан бери такрорланади. Бу мен учун жуда жиддий муаммо. Шунинг учунми, менга бирор ёрдам қила олишингизга ишонмай турибман...

– Сиз ёрдам беришимга ишонмасангиз, нега ҳузурига келдингиз? – сўрадим ундан.

– Бунинг сабаби бор, – деди у, – менинг шахсий ҳисобкитобларимни юритувчи ходимим бор. У ўта кетган инжиқ. Ҳар бир ишни менинг кўрсатмам билан олиб боради. У илгари ўтирганда қунишиб олар, юрганда полга жим тикилганча у ёқдан бу ёққа ўтарди. Қовоғидан қор ёғарди. Аммо кейинги пайтда унинг юриш-туриши, хулқи ва муомаласида бошқача кайфият пайдо бўлиб қолди.

Энди кабинетимга киришда қадди-қоматини ғоз қилиб, кўзлари чақнаб, бурро-бурро сўзлайдиган бўлиб қолди. «Хайрли тонг, жаноб Гудрич», дея ҳар бир сўзини дадил ва ишонч билан талаффуз қилади. Гапнинг очиги, бундай ўзгаришдан лол бўлиб қолдим. «Сени ҳаётга бу қадар илҳомлантираётган ким?» дея сўрадим. У менга рўй берган ҳолатни тушунтирди. Оддий ва доимо қўрқув ҳиссига мубтало бухгалтердаги тезкор ўсишни кўриб, сиз билан учрашишга ошиқдим.

Мен жаноб Гудричга ҳам одатдаги оддий, осон тавсияларимни айтдим. Курс машғулотларига қатнашиб, маслаҳат ва йўриқномаларга қаръий риоя қилиш лозимлигини таъкидладим.

– Агар сиз чиндан ҳам мени ўзгартириб юбора олсангиз, камина мамлакатдаги энг бахтли инсонлардан бирига айланардим, – деди у.

Шу тариқа у дарсларга қатнашар экан, ўз тиришқоқлиги туфайли қисқа муддатда сезиларли даражадаги муваффақиятга эриша олди. Уч ой ўтгач, мен уни «Астор» меҳмонхонасининг катта залида уч минг киши иштирокида ўтадиган йиғилишга таклиф қилдим ва машғулотлардан қандай сабоқ олганлигини сўзлаб беришини илтимос қилгандим. Бахтга қарши, унинг бошқа ерда учрашуви ва сўзга чиқиши режалаштирилган экан. Барибир у эртасига менга қўнғироқ қилди. «Аввало, сиздан узр сўрайман. Мен учрашувимни бошқа кунга қолдирдим. Мен йиғилишингизга бажонидил қатнашаман ва сўзга чиқаман. Бу сизнинг олдингиздаги энг катта қарзим ва бурчим, деб ҳисоблайман. Аудитория қатнашчилари мени курс машғулотлари қай даражада ўзгартириб юборганини билишларини истайман. Токи, улар ҳам мен каби ўзларидаги бемаъни қўрқувлардан халос бўлган ҳолда кишилар олдида хотиржам сўзлай олсинлар».

Мен унга икки дақиқа сўзласа кифоя эканлигини айт-
гандим. У ўн бир дақиқа гапирди.

Машгулотларимиз самараси ўлароқ бундай мўъжиза-
лар ой, ҳафта, йил сайин кўпайиб борарди. Улар ўз му-
ваффақиятлари билан ҳаётда, турмушда, ишда, ўқишда
ва мансаб поғоналарида илдамлаб боришарди. Баъзан
биргина сўз катта турткига – ўзгаришларга сабаб бўли-
ши мумкинлигини ҳам ҳис қилдик.

Мен сизларга Марио Лацо ҳақида ҳикоя қилишдан ол-
дин, одатимизга қарши ўлароқ «Лирик чекиниш» қилмоқ-
чиман. Ҳар бир инсонда тенгсиз, бебаҳо қобилият бор.
Уни ўз вақтида илғаб қолган ота-она, ака-ука, устоз, ҳомий
ва раҳбар фарзандидами, дўстидами, ишчи-ходимидами –
ҳалоллик билан тўғри йўлга йўналтириб юборишга ҳара-
кат қилиши лозим. Озгина мақтов, рағбатлантириш, сами-
мий яқинлик ва мантиқли мулоқот инсонни мутлақо яхши
йўналишга солиб юборишга жиддий ишонаман. Урин-
сиз танбеҳ, танқид, камситиш, хўрлаш ва ҳақорат қилиш
билан, ҳатто, (узр!) ҳайвонни ҳам тарбиялаб бўлмайди. Зулм
ва ҳақорат ҳамиша кўнгилда нафрат уйғотади, ҳаётга со-
вуққон муносабатда бўлиш ҳиссини туғдиради.

Дарвоқе, Марио Лацо!

Кўп йиллар муқаддам Кубадан мени ҳайратга солган
телеграмма олган эдим. Матнда: «Сиз рози бўлсангиз,
сўзга чиқишни ўрганиш учун Нью Йоркка борардим.
Марио Лацо». Ким у? У ҳақда ҳеч қандай тасаввурга
эга эмасдим. Ҳеч қачон Марио Лацо тўғрисида эшитма-
ган ҳам эдим.

Нью Йоркка етиб келган Марио Лацо шундай деди:
– «Гавана кантри клуб» компанияси ташкил этилган
нинг эллик йиллигини нишонлашмоқчи. Менинг зим-
мамга кумуш кубокни жамоага топшириш ва байрам
оқшомини бошқариш масъулиятини юклашмоқда. Гар-

чанд мен ҳуқуқшунос-адвокат бўлсам-да, ҳеч қачон катта йиғин, тантаналарда сўзга чиқмаганман. Ҳозир менинг ва оиламнинг келажакдаги тақдири, обрў-эътибори мана шу маросимни қай даражада бошқара олишимга боғлиқ бўлиб турибди. Қолаверса, аввалги ва келгусидаги миждозларимга ҳам бу нарса маълум даражада таъсир қилмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳам сиздан мадад олиш умидида Кубадан ҳузурингизга ошиқяпман. Ихтиёримда уч ҳафталик муддатим бор, холос.

Марио Лацо уч ҳафта давомида барча машғулотларимда фаол қатнашибгина қолмасдан, ҳар сафар сабоқ вақтида камида уч-тўрт марта сўзга чиқишга ошиқарди. У айтилган муддатда «Гавана контри клуб» компаниясида тантанали маросимни зўр бошқарди. Ҳатто «Тайм» журнали кеча ҳақидаги мақолани эълон қилар экан, Марио Лацини энг моҳир нотик, деб атади.

Сиз муҳтарам ўқувчимизга бунча даромадли хотираларни эслатишдан мақсад – кўнглингиздаги ташвиш-хавотир мутлоқо асоссиз ва ноўриндир. Сиз мақсадингиз сари ишонч ва дадиллик билан қадам ташласангиз, бас, қолгани арзимас туйғулар, ўткинчи ҳолатдир.

Тингловчиларга етказмоқчи бўлган фикрингиздаги мақсад аниқ асос ва ишончга эга бўлиши шарт.

Негаки, сиз айтмоқчи бўлган фикр нақадар муҳим ва зарур эканлигини чуқур мулоҳаза қилганингиздан сўнг кўнглингизда руҳий кўтаринкилик пайдо бўлади. Бу кўтаринкилик алоҳида илҳом ва завқ бағишлайди.

«Инсон салоҳияти ҳамма нарсага қодир, – дейди Чонси М. Денью, – улар орасида энг оммавий ва тез машҳур қила оладиган қобилият – мазмунан мантиққа асослан-

ган ҳолда фикрни чиройли ифодалай олишдир». Бундай доҳиёна фикрлар кўп. Чунончи, Филип Армор: «Машҳур сармойдор, миллиардер бўлгандан кўра, таниқли но-тиқ бўлиш мен учун афзалроқ», дейди. Америка саноатчилигида аллақачон шон-шуҳрат қозониб бўлган миллиардер Эндрю Карнеги (сиз бу инсон ҳақида аввалги рисо-лаларимизда ўқигансиз. Тарж.) ўттиз беш ёшида Оксфорд университетига ўқишга кириб, ҳар тарафлама кенг маълумот олади. У энг масъулиятли иш – омма олдида масала моҳиятини лўнда ва ишонарли қилиб сўзлаб бе-риш эканлигига алоҳида урғу беради. Дарвоқе, Эндрю Карнеги вафотидан сўнг унинг иш кабинетидан ўз ҳаёти давомида амалга ошириши лозим бўлган режалар ёзил-ган қоғозни топиб олишган. Бу режа ёзилган пайтда Эн-дрю ўттиз уч ёшда бўлган. У ўз ҳисоб-китобида икки йил ўтгач, йилига эллик минг доллар даромадга эга бўли-шини ёзиб қўйган экан. Унинг шу мақсадда ўттиз беш ёшида дорулфунун талабаси бўлганлигини назарда тут-сак, молиявий муваффақиятга эришиш учун катта таж-риба ва билим ҳам зарурлиги маълум бўлади.

Баъзилар эса ҳозиргина пайдо бўлган жиддий жароҳат-ни шу ондаёқ тузатиб қўйишни хоҳлашади. Йўқ, йўқ ва яна бир карра йўқ! Ҳеч қандай ҳаракатсиз мақсадга эри-шишни хаёл ёки орзу қилиш қип-қизил нодонликдан бошқа нарса эмаслигини ҳаммамиз биламиз.

Озгина ноқулайлик, машаққат пайдо бўлса, бизни чўчитмаслиги лозим. Уни оқилона бартараф қилиб, янги марра ва чўққилар сари интилишингиз зарур. Зеро, яшаш ва курашиш завқи ҳаммиша қалбимизда гуркираб турсин.

Қадим тарихдан ривоят қилишларича, машҳур саркар-да Юлий Цезар ўз аскарлари билан ҳарбий кемаларда ул-кан орол – Англияга келиб қолади. Душман устидан му-заффар бўлишнинг бирдан бир йўли ортга чекинмасдан олға ташланиб, жанг қилиш зарур эди. Цезар вазиятни чуқур англаган ҳолда флот – кемаларни ёндириб таш-

лашга амр қилди. Энди чекиниш имконияти ҳам қирқилган эди. Нажот йўли – фақат олға интилиш ва қатъий жангга боғлиқ эди. Худди мана шу тадбир ва ҳаракат уларга зафар келтирди ва ҳалокатдан сақлаб қолди.

Азиз китобхон, сиз ҳам тингловчилар олдида ўзингизни ғолиб Цезар аскарисидай ҳис қилишга тўла ҳақлисиз ва ғалабани таъминлай олишингизга ишонаман. Бунинг учун кўнглингизда пайдо бўлаётган ҳаяжонни бар-тараф қилсангиз бас...

Навбатдаги тавсиямиз, сиз йиғилишда қатнашаётганларга ёки даврадагиларга нима демоқчи эканлигингизни қатъий аниқлаб олинг. Аксинча, мақсадсиз сўзга чиқиш оммани ҳам, ўзини ҳам ноқулай ҳолатга солади.

Америка тарихида буюк ислохотларни амалга ошира олган Т. Рузвельт: «Айтадиган гапинг муҳимлигини жуда яхши билсанг, сўзга чиқ. Нутқингни тамом қил-да, ўтир», дейди.

Ҳеч қандай саросимага ўрин йўқ, ўзингизни дадил, мардона тутинг. Унутманг, қайси ишга тайёргарликсиз киришар экансиз, кўнгилдагидек натижага эриша олмайсиз. Бундай ҳолатда ўзингиздан бошқа ҳеч кимни айблаб бўлмайди. Демак, масъулиятни чуқур ҳис қилган тарзда ўзингизни учрашув-мулоқотга ҳозирланг. Қадди-қоматингизни эркин ва тик тутган ҳолда тингловчиларга ишонч билан қаранг. Нутқ жараёнида асабий ҳолатда кийимларни пайпаслаш, тугма, бўйинбоғларга тегинишдан сақланинг. Мақсадингиз равшан бўлганидан кейин хавотирланишга асос йўқ. Маршал Фон ибораси билан айтганда, жангдаги энг зўр мудофаа бу ҳужум қилишдир. Сиз ҳужумни бўшаштирмай, олға қадам ташланг ва қаҳрамонларча душманни маҳв этинг!

Юқоридаги барча эслатмалар сиздан ҳеч қандай маблағ ва куч, руҳсат, муддат сўрамайди. Қунт билан ҳаммасини адо этишга киришар экансиз, ўзингизда ғойибона куч, илҳом ва сабр-тоқат шаклланаётганини сезиб

турасиз. Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, сиз энди ўзингизни синанг, яъни амалий ишга киришиб, назарий жиҳатдан қай даражада устунликка эришганингизни аниқланг ва такомиллаштириб боринг.

Хўш, десак, оғайнижон, сузишни билиш учун сувга тушиш зарур. Сузишни билмай дарёга тушиш оқибатини Сизга эслатишнинг зарурати йўқ. Оёққа туриб, юра бошлаган гўдак ўзгалар кўмагидан қоча бошлайди.

Сиз оёққа турдингиз, энди қадамингиз аниқ ва мустақкам бўлсин.

Жиддий йиғилишларда тайёргарликсиз минбар сари бир қадам ташлаб бўладими? Асло. Бордию аксинча ҳаракат қилинса, камдан кам ҳолларда мақсадга эришилади. Тайёргарлик масаланинг аҳамияти қай даражада муҳимлигини англатади.

Мен бир вақтлар Нью-Йоркдаги шаҳар банклари бошқарувчилари гуруҳи билан нотиқлик масалаларига доир йиғилиш-машғулотлар ўтказардим. Дарслар ҳар ҳафтанинг жума кунларига белгиланган эди. Навбатдаги машғулотлардан бирида (уни шартли равишда Жексон деб атаётган эдим) жаноб Жексоннинг маърузаси белгиланди. Ўзининг эътироф этишича, соат беш яримда бошланадиган йиғилиш пайтига қадар ҳам маъруза мавзуси тайёр эмасди. У сўзга чиққанда вақтни қандайдир тўлдириш, ўтказиш мақсадида, «Форбс мэгэзин» журналинини сотиб олади, метро вагонидан банк биносига етиб боргунча ва рақлаб, гўё мияси учун «ахборот»лар танлаб, ўқиб боради. У «Улгуриш муддати ўн йил, холос» сарлавҳали мақола бўйича узуқ-юлуқ фикрларини на-

ридан-бери сўзлай кетди. Ўзининг фикр-мулоҳазаси, муносабати асло сезилмасди. Бундай «гапни олиб қочиш» дарҳол тингловчилар эътиборини сусайтириб юборади. Шунинг учун ҳам ноқулай бўлса-да, «нотиқ»қа луқма ташлашга мажбур бўлдим.

– Жаноб Жексон, сиз бу мақолани ўқиб чиққанингиз жуда яхши. Аммо бу мақолани ким ёзган, нега ёзган – залда ўтирганларни асло қизиқтирмайди. Хоҳласангиз, келгуси йиғилишимизда бу мақола муаллифи қарашларига шахсий муносабатингизни очиқ-ойдин билдирсангиз. Ҳозир эса бу ердагилар жаноб Жексоннинг ўз фикр-мулоҳазалари билан танишишни жудаям хоҳлашяпти...

Жаноб Жексонга таклифимиз маъқул келди. Келгуси машғулотда у муаллиф мақоласидаги фикрларга қўшила олмаслигини, унинг сабабларини ишончли изоҳлаб, ўзига хос жиддий хулосаларни баён қилди. Нега?

Гап шундаки, энди жаноб Жексон мавзуга метро вагонида эмас, ҳафта давомида миясида пишитиб, фикрларни саралаб маромига етказиб олганди. Менимча, бу ҳол ҳаммага тушунарли, деб ўйлайман. Ахир, киши ҳафта давомида мавзуга оид қанча-қанча ҳужжат ва ахборотларга дуч келади. Мулоҳаза қилиб, ўзини назорат-синовлардан ўтказади. Биз ҳам лўндароқ айтадиган бўлсак, иш гап билан битадиган бўлса, унинг пастбаландини шошилмай ҳисоб-китоб қилган ҳолда фикр юритишимиз лозим.

Нутққа тайёрланиш – керакли фикрларни оқ қоғозга кўчириб, сўнг тингловчиларга ўқиб бериш ёки қуруқдан қуруқ ёдлаб олиб, минбарда шариллатиб ўқиб ташлаш эмас. Сиз тайёрлаётган маърузада муҳим ғоя, ҳаяжон ва зарурият акс этмаса, ҳеч кимни қизиқтирмайди. Қуруқ олди-қочдилар, тантанабозлик ва мадҳиягўйлик бирон жиддий ва амалий қарор қабул қилишга хизмат қилмайди.

Фикрларингизни бир-икки иборада лўнда ифодалай оладиган тарзда ёзиб боринг. Сиз ҳеч қандай жараённи тезлаштиришга ошиқманг. Йўлда, ишда, овқатланиш пайтида, турли мулоқотлар вақтида, уйқуда ётганда ҳар хил, аммо мантиқли ўй-фикрлар пайдо бўлиб қолади. Сиз ўша лаҳзадаёқ уни ён дафтарингизга ёзиб улгурмасингиздан иккинчи, учинчи... в.ҳ. фикрлар илҳом шаклида қуйилиб келади. Ижодий фаолият бошланади. Ҳаётийлик уфуриб турган жонли мулоқотлар ҳамиша таъсирчан ва даъваткор кучга эга бўлади.

«Жаноб Карнеги, мен беш йил муқаддам сиз курс ташкил қилиш юзасидан учрашув ўтказаятган меҳмонхона остонасидан ортимга қайтиб кетгандим. Негаки, бугунми, эртами – барибир бир куни кўпчилик ўртасида бу ерда сўзга чиқишимга тўғри келади, деб ўйладиму эшик қабзасини ушлаб турган кўлларимни ортга қайтариб жўнаб қолгандим. Кўпчилик олдида сўзга чиқишдан кўра, юз марта ўтириб-туриш қулай ва беҳавотир эди ўшанда. Агар ўшанда мени хижил қилган аудитория кўрқувини енголганимда беш йил умримни беҳуда ўтказмаган бўлардим».

Мен бу гапни шунчаки машғулот пайтида ёки оддийгина учрашувда эшитганим йўқ. Буни очиқ-ойдин сўзлаётган киши Нью-Йоркдаги аудиториялардан бирида икки юздан ортиқ битирувчи даврасида сўзлаётган тингловчиларимдан бири эди. Унинг ишонч ва дадиллик билан сўзлаётгани мени жудаям қувонтирганди. Мен унинг нутқини гўё инструктор (йўриқчи) сифатида кузатиб, хавотирланишни дадил енгиб, ўзини қўлга ола билиш санъатини яхши ўзлаштириб олганидан хурсанд эдим.

«Ўринсиз хавотирланиш ва кўрқув

17

2013/56
A 4240

Алишер Навоий
nomidagi
O'zbekiston MK

кўпгина нарсаларни мажруҳ – ногирон қилиб қўяди», деганида Эмерсон тўла ҳақлигини қалбан ҳис қиламан. Оҳ, мен бошқалардан кўра бу аччиқ ҳақиқатни кўпроқ англаганман.

Мен инсонлар қалбидаги хавотирланиш, беҳуда ваҳима, қўрқув ҳамда безовталиқни бартараф қилиш, эмин-эркин ҳаёт тарзини шакллантиришга кўмаклашаётганим учун тақдиримдан минг розиман ва яратганга беҳад шукрлар қиламан.

Ҳозирги кунда ифтихор билан айта оламанки, ўша олис 1912 йилда машғулот-курсларини ташкил қилиш борасидаги кўплаб руҳий-маънавий, моддий қийинчиликлардан қатъий назар, тўғри йўл тутганимга, умид ва режалар ўзини тўла оқлаганлигига аминман.

1912 йилдан ҳозиргача ўтган йигирма йил мобайнида йилига қарийб беш минг мартадан ортиқ сўзга чиқибман. Тажриба шуни кўрсатдики, ҳар бир соҳа вакиллари билан олиб борилган суҳбатлар доимо такомиллашиб, таъбир жоиз бўлса, ўзининг Эверест чўққисига кўтарилиб борар экан. Нотиқлик санъат даражасига кўтарилганда, тингловчиларга яхши саҳна асари ёки бадий фильм кўриб, чуқур таассурот олган каби ҳис уйғотади. «Тортинмай, кўнглингдагини бемалол сўзлай олишга эришсанг – ғалабанинг энг каттаси шу», деган экан Авраам Линкольн. Ҳаворий Иоанн эса, ҳақиқий муҳаббат ҳар қандай қўрқувни енгишга қодир, деган экан. Ҳаммаси тўғри ва адолатли айтилган. Беҳуда хавотирланишни ҳар қандай вазиятда ҳам бас қилинг, азиз Одамлар! Бас қилинг! Сизни ҳеч ким, ҳеч нарса қанчалар даҳшатли ва қўрқинчли бўлмасин, енга олмайди!

Ҳамма-ҳаммамиз бунга қодирмиз.

Мақсад аниқ бўлса, муваффақият сизга жуда яқин келади. Биз сизни қанчалар қўллаб-қувватламайлик, маънавий-руҳий, моддий жиҳатдан рағбатлантирмайлик, юрак-юрагингизда ички хоҳиш ва интилиш жўш урмаса, барча ҳаракатлар зое кетиши муқаррар! Сиздаги кўркўрона хоҳиш бу шунчаки ҳавас даражасидаги туйғу, холос. Бу туйғу сизга завқ-шавқ бағишлаш даражасига кўтарилиб, хоҳишингиз ички бир эҳтиёжга айланганда ўз-ўзидан сиз излаётган, хоҳлаётган орзунинг остонасига етиб келиб қолганингизни сезмай қоласиз. Тилагингизнинг рўёбга чиқаётгани сизнинг чидамли, бардошли, интилувчан, ўзига қатъий ишонувчи ва ҳақиқий матонат эгаси эканлигингизни яққол намоён қилади.

Хоҳлайсизми, йўқми – узоқ муддат олиб борилган заҳматли меҳнат ҳамиша фурсат етган дамда ўзининг қувончли самарасини Сизга армуғон этади. Енгил ўй-хаёл завқида кўрсатилган тезкорлик ҳеч қачон сизни муқаррар ғалабага олиб бормайди. Муваққат омиллар, режасизлик, умидсизлик инсонни бир умр овораи сарсон қилади. Мен буни жуда яхши биламан. Сиз ҳам унча-мунча бошингиздан ўтказган бўлсангиз изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Изчил меҳнат бу келажакда сизга тажриба, малака ва маҳорат бахш этади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳеч ким туғма нотиқ – оратор эмас. Энди кўпчилик олдида, йиғилишларда талмовсирамай, бемалол сўзлай оласиз. Шунинг унитмангки, қаршингиздаги кишилар тингловчилар ҳам ўзингизга ўхшаш инсонлар. Улар сиздан ҳеч нарсани талаб қилишмайди. Хотиржам улар билан ўз фикр-мулоҳазаларингизни баҳам кўраётган киши ҳолатида бўлинг.

Мана бу тарихий лавҳага эътибор беринг. Америка-

нинг буюк ислоҳотчиси даражасига кўтарилган президент Авраам Линкольнга юристлик қилиб юрган вақтида ёш йигитдан хат келади. Хатда келажакда юрист бўлмоқчи эканлигини ёзиб, ҳуқуқни ўрганиш бўйича маслаҳат сўраган. Линкольн унга жавоб хатида шундай ёзади:

«Йигитча, модомики, Сиз келажакда ҳуқуқшунос бўлишга қатъий аҳд қилган экансиз, мақсадингизнинг ярми бажарилибди. Ҳамиша ёдингизда бўлсин: қатъий ирода ва матонатга эга кишилар сўзсиз муваффақиятга эришадилар».

Дарвоқе, Линкольннинг ўзи ана шундай сабр-тоқат, матонат эгаси эди. Оддий чорва боқувчилигидан ҳуқуқшуносгача, адвокатликдан АҚШдай улкан давлатнинг раҳбари – президенти бўлгунча озмунча машаққатли йўлни босиб ўтмаган. Линкольн таржимаи ҳоли билан қизиққан тарихчиларнинг шоҳидлигига қараганда, у бутун умри давомида мактабда бор йўғи бир йилгина ўқиган, холос! Қолган илмларни мустақил равишда тинимсиз ўқиб эгаллаб борган. У қандай ҳолатда бўлмасин, китоб топиб ўқишга, йиғилиш, мунозараларда қатнашишга, баҳслашишга ҳаракат қиларди. Ана шу тинимсиз ўқиш, ўрганиш туфайли ўзидаги жисмоний ва нутқий нуқсонларни енгиб, ўз асрининг буюк сиёсатчиси, давлат арбоби даражасига кўтарилди.

Ҳа, «ҳуқуқшунос бўлишга қатъий аҳд қилган экансиз, мақсадингизнинг ярми бажарилибди», деб ёш йигитга жавоб ёзганида ўз бошидан ўтган мислсиз азобуқубатларни танҳо енган ҳолда майдонга кириб келганини кўз ўнгига келтирган бўлса, ажаб эмас.

Ижозатингиз билан Сизга яна бир лавҳани ҳавола қилмоқчиман. АҚШнинг яна бир буюк гуманист президенти Теодор Рузвельт хонасида доимо Авраам Линкольннинг сурати осиялиқ турган. Рузвельтнинг хотира

китобида шундай сатрлар бор: «Гоҳо ўта мураккаб муаммоларга дуч келиб қолсам, қандай қарор қабул қилишим лозим бўлса, дарҳол Линкольн суратига қарайман. Ўзимча, у бундай масалага қандай қарарди ва қандай қарор қиларди, деб ўйлайман. Қонун ва шахсий манфаатлар нуқтаи назаридан аниқ бир ечимга келишимда бу менга катта туртки берарди».

Рузвельтдай инсон Линкольнга шу қадар эҳтиром кўрсатиб иш тутганда нега энди биз ундан ибрат олмаслигимиз керак? Ҳаётда ҳар биримиз ҳам турли оғир-енгил муаммоларга дуч келишимиз, табиий. Ана шундай вазиятларда чўнтагимиздан Линкольн сурати туширилган долларни олиб, бундай ҳолатларда у қандай йўл тутган бўларди, деб ўзимиздан сўраб кўрайлик-чи, вазият сал бўлса-да, бизнинг фойдамизга юмшайди. Бордию бунинг иложи бўлмаса, машҳур кишиларни, устозларни чин дилдан эслаб, мадад тилаган каби туйғуни дилимиздан ўтказсак ҳам ўша илиқ таъсирни сезамиз. Гўё руҳлар қўллаётгандек энгиликка етишамиз.

Яна бир лавҳа. Линкольн ўз рақиби Стивен А. Дуглас билан АҚШ сенати учун ўтказилган сайловларда ютқазиб қўйган. Аммо Линкольн ўз сафдошларига қарата: «Дўстларим, бир эмас, юзта мағлубиятга учраган тақдирда ҳам асло таслим бўлмай курашни давом эттириш керак», деган экан. Тушунарлими? Ҳаётда сал иши чаппа кетса ёки озгина мағлубиятга учраса, дод-вой қилиб ҳамма нарсани йиғиштириб қўювчилар озмунча эмас. Янги иш бошлаётганлар, бирдан катта муваффақият ёки бойликка, мартабага эришганлар кўтаринки завқ таъсирида асосий бурч ва вазифани, унга ёрдам берган ходим ва дўстларни, ҳатто ота-онани, оилани унутиб қўядилар. Ваҳоланки, узил-кесил мағлубият қаршисида ҳам ёки йўл қўйилган хатолар келтирган фожиалардан ҳам

эсанкирамасдан рўй берган чалкашликларнинг сабаб-ил-
дизини аниқлаб, ўз фаолиятига танқидий нуқтаи назар-
дан баҳо беришни ўрганиш керак.

Эришмоқчи бўлган мақсадингизга кучли даражада
интилсангиз, сўзсиз кутилган натижани қўлга кирита-
сиз. Чунончи, бадавлат бўлишга интилсангиз давлатли
бўласиз, илмли, олим бўлиш учун ҳаракат қилсангиз,
албатта унга ҳам эришасиз. Сиз ҳақиқий истагингиз сари
майда-чуйда нарсаларга алаҳсимамай интилинг. Юзлаб
ҳаваслар ортидан югуриб-елиш умрни елга созуриш
билан тенг эканлигини асло-асло унутиб қўйманг.

Ҳовлиқиш, яъни шошма-шошарлик ярамайди. Юқори-
даги умидбахш, жасоратга ундовчи сўзларни Гарвард уни-
верситети профессори, тажрибали психолог Уильям
Жеймс ёзиб қолдирган. Биз бу сўзларга қўшимча қилиб,
модомики Сиз энг яхши нотик бўлишни истасангиз,
ишонч ва қатъият билан айнан шу хоҳишингиз сари жид-
дий ишлашингиз лозим деймиз, холос. Ҳа, тарих сабоқ-
ларида, ғалабага эришиш учун фақат олға юриш ва ҳужум
қилиш керак дейлади. Сиз ҳужум туфайли ўз манфаат-
ларингизни ҳимоя қила оласиз. Дарҳақиқат, ҳужумгина
сиз учун керакли барча имконият ва фазилатларни насиб
этади. Марҳум Элберт Хаббарднинг ҳар бир инсон амал
қилса, барча соҳада ишлари енгиллашади, деган тавсия —
маслаҳатлари билан Сизни таништиришга ижозат беринг.
«Ҳар доим уйингиздан кўчага чиқишдан аввал қаддин-
гизни тик тутиб, бошингизни баланд қилинг. Қуёш нур-
ларига омухта бўлган тонг ҳавосидан тўйиб симиринг.
Танишларингизга очиқ кўнгиллик билан жилмайган ҳолда
қўлларини самимий сиқиб сўрашинг. Кўнглингиздан асло
«лаганбардорлик, ялтоқликда айблашлари мумкин» де-
ган хавотирли фикрлар ўтмасин. Асло рақибларингиз
ҳақида ўйлаб бош қотирманг. Улар ҳеч нарсага арзимай-

ди ва ҳеч нарса қила олишмайди, қўрқманг. Сиз бажармоқчи бўлган энг муҳим ишдан чалғимасдан, уни муваффақиятли тарзда охирига етказишга дадил интилинг. Фикр-ўйларингиз ҳам ана шу олижаноб юмушни ҳал қилиш билан банд бўлсин. Ана шунда Сизда ҳар қандай муаммони оқилона ҳал қила олиш қобилияти, тезкорлик такомиллашиб боради. Бошқачароқ ифодалайдиган бўлсак, сиз денгиз сувидан ўзингиз учун керак бўлган ашёни ажратиб олиш қобилиятига эга бўласиз.

Унутманг, сиз қандай ўйласангиз, фикр қилсангиз ўша вазиятнинг эгасига айланасиз. Бағри кенг, сахий, хушмуомала ва мардона яшаш доимий шиорингиз бўлсин. Фикрлаш – шунчаки бемаъни нарсаларни хаёл суриш дегани эмас. У ҳар кунлик фаолиятингиз мундарижасида агар билсангиз, ижодий жараёндир. Тоат-ибодат қилувчи инсонлар қай даражада дуода енгиллик, ҳузур-ҳаловат, маънавий бардамликни ҳис қилсалар, сиз ҳам оқилона ўй-фикр туфайли шу алфозда кўтаринкилик, ғайрат-шижоат, мамнунликка эришасиз. Биз юқорида ғалаба ҳужум туфайли қўлга киритилади, деганимизда, ур-сур, тўполон, муштлашувни (узр!) назарда тутганимиз йўқ. Айнан оқил ва ғайратли бўлиб мақсадга интилишга даъват қиламиз.

Инглиз фуқароси Филадельфия кўчаларида ночор ҳолда иш топиш умидида санқиб юарди. У бутун иродасини ишга солиб донғи кетган ишбилармон Пол Гиббонсинг идорасига кириб, ўз сўзини тугатгунча эътибор билан тинглашини ўтиниб сўради.

Гиббонс ташриф буюрувчининг ташқи қиёфаси ва кийинишига эътибор берар экан, уни тиламчи бўлса ке-

рак, дея гумон қилди. Негаки, унинг уст-бошлари кир ва тўзиб кетган, соч-соқоллари ҳам кишини ижирғантирадиган даражада эди. Унинг бутун вужудидан молиявий инқироз зарбаларига дучор бўлганлигини англаувчи асоратлар кўриниб турарди. Гиббонс таваккал қилганича, айни вақтда, қизиқсинаб, уни тинглашга рози бўлди. Буни қарангки, бир неча дақиқа вақт ажратмоқчи бўлган Гиббонс бир соат ўтса ҳамки суҳбат тугамас эди. Ниҳоят, мулоқот тугагач, Гиббонс машҳур компаниялардан бирининг бошлиғига қўнғироқ қилиб, ишга жойлаштириш муаммосини ҳал қилиб берди. Ўзини эса кечки овқатни биргалиқда тановул этишга таклиф қилди. Хўш, бу йигит ким эди? Нотаниш бу кимсага Гиббонс нега илтифот кўрсатди?

Кейинчалик маълум бўлдики, йигит Оксфорд университетини тугатгач, Америкага иш юзасидан келган. Аммо бу ерда иши юришмасдан ҳамма режалари барбод бўлган. Ишсизлик, ночорлик, бунинг устига бирор таниш-билишнинг йўқлиги йигитни мушкул аҳволга солиб қўйган. Унинг ҳозирги аҳволдан кўра, сўзлашув услуги жудаям еқимли эди. У инглиз тилида назокат билан сўзлаш, тушунтириш қобилиятига эга эди. Бу қобилият сўзсиз унга Гиббонс билан сўзлашиш ва ночорлик исканжасидан халос бўлишида бир намунали қурол вазифасини ўтай олганди.

Бу мисолни келтиришдан мақсад шуки, гап-сўзимизга, фикрлаш, англаиш қобилиятимизга қараб ҳам жамоатчилик бизга баҳо беришини унутмаслигимиз керак.

Сўзлаш усулимизнинг ўзи ким эканлигимизни англаишга хизмат қилади. Билимли киши мулоқот пайтида дарҳол билинади. Ҳа, ўзаро сўзлашув бизнинг маданий-маънавий савиямизни ҳам кўрсатувчи белгидир.

Атрофимиздагилар билан ўзаро алоқа боғлашимизда куйидаги фазилатларимизга жиддий аҳамият беришади: яъни бажараётган юмушимиз, ишга шахсий муносабатимиз ва муомаламизга қараб хулоса чиқаришади. Сир эмаски, кўпчилик мактабни тугатибоқ ҳаётга мустақил қадам ташлашни барвақт бошлаб юборади. Шунинг учун ҳам бундай «пешқадам»лар ўзларининг сўз бойликларини кўпайтириш, сўз маъноларини тўғри англаб тушунишга парво ҳам қилмайдилар.

Сабаби, тирикчилик ёки бошқа сушт баҳоналар туфайли китоб ҳам ўқишга интилмайдилар. Натижада кўпчилик ўзаро мулоқотларда нима демоқчи эканликларини ҳам равшан англатолмайдилар. Чапанича талаффузлар, нотаниш лаҳжалар кўпчиликни танг аҳволга солади. Пойма-пой жумлалардан нимани тушуниш кераклиги оғир кечади. Сир эмас, баъзан олимлар, санъат аҳли, айниқса қўшиқчилар ҳам сўзлашиш борасида дуққа ўхшаб қоладилар. Бир сўз устида қайта-қайта айланаверадилар. Боз устига, «Ҳалиги, нима дейди, айтадилар-ку» қабилидаги сўзлар билан маънили бир гап айтолмайдилар. Демак, оддий халқдан ҳеч нарсани ўпкаламаса ҳам бўлади. Кўп ўқиш, йиғинларда, турли учрашувлардаги баҳс-мунозараларда, суҳбатларда қизгин иштирок этиш инсоннинг ички қобилиятларига сўзсиз ижобий таъсир кўрсатади.

Бир воқеа ёдимдан чиқмайди. Мен Римдаги Колизей майдонида атрофни томоша қилаётган эдим. Шу пайт қаршимга нотаниш киши келди. У Англия вассали бўлган шаҳарлардан бирида истиқомат қилувчи инглиз фуқароси экан. Ўзини таништиргач, бироздан сўнг ҳаёт йўли ҳақида гапира кетди. Мен унинг сўзлашув жараёнидаги кўпол хатоларни дарҳол фаҳмладим. У бунга парво қилмай, алмойи-ажмойи сўзлашини давом этти-

рарди. Бундай кишиларни ҳаётда сиз ҳам кўп учратган-сиз. Бундайлар тезда жонга тегади.

Ахир инглизларда аёл киши билан суҳбатлашаётган одам шляпасини кўтариб қўймаса, жудаям уят, беодоблик ҳисобланади. Бу одам эса ҳар сўзида хатога йўл қўя туриб, узр сўрашни хаёлига ҳам келтирмади.

Гарвард университетининг собиқ президенти Чарлз У. Элмеот шундай деганди: «Ҳар бир эркак ва аёл шахсий саводини чиқарар экан, унинг асосий қисмини маънавий билимлар ишқол этиши зарурлигини алоҳида таъкидлайман. Шунингдек, она тили қонун-қоидаларига пухта риоя этишлари кераклигини ҳам назардан қочирмайман».

Бу бебаҳо ва ўринли фикрни ҳар бир киши чуқур мулоҳаза қилиб кўриши лозим.

Ҳар бир миллат ўзига хос сўз бойлигига эга. Ундан қандай фойдаланишни, ўз ўрнида керакли сўзни ишлата олишни билиш учун катта меҳнат ва эътибор талаб этилади.

Авраам Линкольн сўз бойликларидан маҳорат билан фойдаланиб, ўлмас жумлалар тузганлиги бутун қитъага маълум. Унгача бирон бир америкалик Линкольн сингари ажойиб сўз бирикмалари яратган эмас, хушмуомалалик ва: «жаҳолат билан эмас – ирфон билан» каби қуйма жумлалар Линкольн қаламига тааллуқлидир.

Унинг отаси оддий, саводсиз бир фермер эди, онаси ҳам оддий аёллардан фарқ қилмаган. Ана шу хонадонда кўз очган Авраам Линкольн ҳам бирон бир мактабни тугатмаган эди. Ўз саводини мустақил ҳолатда ошириб борган. Дарвоқе, уни АҚШ конгресига сайлашганида расмий сўровнома (анкета)ни тўлдираётиб, маълумоти дейилган жойига бир сўз билан «Етарлимас», деб ёзган. Чиндан ҳам у ҳаётида бирон мактабда бир йил ҳам қат-

намаган. У кўпинча тайёр муаллимлардан баъзи моддий буюмлар эвазига қисқа сабоқлар олганини ҳисобга ол-маса, атрофидаги кишилардан ҳеч нарса ўрганолмаган. У кейинчалик ўз ғайрат-шижоати туфайли катта билим эгасига айланди. У Бернс, Байрон, Броунг асарлари, Шекспир драмаларининг катта-катта қисмларини ёддан биларди. У адвокат бўлиб ишлаган кезларида ҳам, Оқ уйда яшаганида ҳам иш кабинетида ва ётоқхонасида ўз севган мумтоз муаллифларининг асарлари бўларди.

Линкольн шеърят шайдоси эди. У кўплаб мисра-ларни ёд билар, ўзи ҳам шеърлар ёзарди. Тарихчилар-нинг эътироф этишларича, синглизининг никоҳ базми-да ўзининг йирик поэмаларидан бирини ўқиган. У ке-йинчалик ҳам шеър ижод қилишни тўхтатмаган. Аммо машқларини ҳеч кимга кўрсатмаган.

Робинсоннинг «Линкольн – адабиётчи» китобида бу ҳақда талай маълумотлар келтирилади. «Умрида мактаб кўрмаган бу шахс ўз шуури билан дунёқарашини кен-гайтира олди. Даҳолик даражасида ўз истеъдодини на-мойиш этди», дея ёзади у.

Индианадаги фермасида жўхори экиш, оқлаш ва чўчқа сўйиш билан шуғулланган бу давангир одам кейинчалик Геттисбергга сўзлаган нутқи билан маш-хур бўлди ва абадий яшаб қолди. Негаки, Геттисберг-даги урушда бир юз етмиш минг киши қатнашиб, улар-дан етти минг киши ҳалок бўлганди. Линкольн вафо-тидан кейин ҳам унинг нутқи туфайли бу ердаги қаб-ристон ҳозирга қадар эслаб келинади.

Шоҳидларнинг айтишича, сураткаш фотоаппарати-ни ўнглаб бўлгунча икки дақиқа ичида Линкольн ўз нутқини тамомлаган эди.

Унинг бу оташин нутқи бронзага ўйиб ёзилган. Уни ҳар бир нотик ўқиб ўрганса арзийди.

«Бизнинг шонли ота-боболаримиз ушбу қитъада бундан саксон йил муқаддам тенглик тамойиллари асосида улғайиб, янги миллатнинг яратилишига пойдевор қўйганлар. Фуқаролар уруши давом этаётган айни дамларда кимда ким ўша юксак мақсад ва маслакка содиқ бўлса, бундан кейин ҳам яшаб қолишга қодир саналади. Биз оламшумул уруш майдонларидан бирида йиғилиб турибмиз. Бу майдонда ўз жонини фидо қилган ватанпарварлар руҳини шод қилиш ва уларни сўнгги йўлга кузатиш учун келдик. Бу шон-шарафларга бурканган муқаддас заминда рўй берган қаҳрамонликлар абадий яшашга ҳақли. Биз матонат кўрсатиб ҳалок бўлганларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида ўзимизни, керак бўлса, жонимизни баҳшида этмоғимиз даркор. Бу вазифалар нақадар буюклиги учун ҳам фидокорлик кўрсатмоғимиз шарт. Шаҳидларнинг эзгу ниятлари сари садоқат билан қадам ташлаб уларнинг олижаноб ишончларини оқламоғимиз лозим».

Сизнингча, бу гаплар ҳозиргина айтилганидек, янги туюлса керак? Лекин бу мулоҳазалар тадқиқотчиларнинг фикрича, Теодор Паркер, Хейн, Вебстердан ўзлаштирилган. Вебстер: «Халқ ҳокимияти бевосита халқ томонидан яратилиб, улар олдида масъул», деган фикрни ўттиз йил муқаддам Жеймс Монродан ўзлаштирган дейишади. Монро эса беш аср аввал ўтган Уиклифнинг Муқаддас китоб таржимасининг сўз бошисида ёзган экан. Унда: «Инжил халқ ҳокимияти учун, халқ учун халқ томонидан бошқарилади» дейилган. Энди қаранг. Бу фикрни ўша вақт ҳисобида эрамиздан аввалги тўрт юз йил муқаддам Афина фуқаролари олдида Клеон гапирган экан: «Ҳокимият халқники, ҳукмрон халқни халқ учун бошқаради!» Ана энди ўйлаб кўринг. Янги гаплар жуда кам. Буни кўп

китоб ўқиган кишилар билишади. Бир хил фикрлар ке-
сишуви неча-неча асрлар фарқида рўй бериб келади...

Инсоният китоб пайдо бўлганидан бери уни ўқиш би-
лан машғул. Ҳар ким ўз нутқининг равон бўлишини хоҳ-
ласа, китоб ўқиб, сўз бойлигини ошириб бориши лозим.

Брайт ўн беш ёшга кирганида шароит оғирлигидан
ўқишни ташлаб, фабрикада ишлашга мажбур бўлган.
Шу тариқа унинг мактабда ўқишни давом эттириш им-
конияти бўлмаган. Аммо у улғайган сари мустақил ра-
вишда китоб мутолааси билан шуғулланди. У кейинча-
лик шундай ёзган эди: «Мен кутубхонага кирар экан-
ман, қаршимдаги китобларни ўқиб тугатиш учун ум-
рим етмаслигидан афсусланиб кетаман». Брайт шахсий
мутолаа туфайли сўз бойлигини кўпайтирдигина эмас,
балки замонасининг энг билимдон нотиқларидан бири-
га айланган эди.

Чарлз Жеймс Фокс эса В. Шекспир асарларини ҳам-
ша овоз чиқариб ўқирди. Шу тариқа у ўз услубига эга
бўлган. Унинг хонасида ўн беш минг китоб бўлган. Улар
орасида Августин, Батлер, Данте, Арасту ва Ҳомерлар-
нинг китоблари бўлган. Фокс Ҳомер ижоди бўйича ол-
тита китоб ёзган.

Ҳар қандай вазиятда имкон туғилиши билан китоб ўқиш
нафақат саводингизни оширади, балки ташқи муҳитдаги
салбий икир-чикирлардан асабингизни ҳам асрайди.

«Мен Тацит, Фукидид, Ньютон ва Евклиднинг ки-
тоб-ларини ўқиб, янги дунё кашф этгандек хурсанд
бўлдим. Шундан кейин газета ўқишдан воз кечдим», деб
ёзади Жефферсон.

Биз ҳам тежалган вақт ҳисобига китоб ўқисак бўлмай-
дими? Кутиш онларида, транспортда, тушликда, қабул
вақти келгунича китоб ўқиш имконияти мавжуд. Фақат
хоҳиш бўлса кифоя.

Радио эшиттиришларнинг бирида мендан инсон учун сабоқ бўладиган икки оғиз сўз айтишимни сўрашди. Мен ўз бошимдан кечирган ҳаётий тажрибамга таянган ҳолда шундай дедим: «Ҳаётдан олган энг катта сабоғим шуки, нима ҳақда қандай ўйлаган бўлсам, шу нарсага рўбарў бўлдим. Агар мен сиз нимани ўйлаётганингизни билганимда эди, Сиз ҳақда тўла тасаввурга эга бўлардим. Негаки, ўй-фикрингиз сизни ўша нарса билан банд қилади.

Биз фикрларимизни ўзгартиришимиз мумкин. Унутманг, ҳаётдаги рўй бераётган хато, камчиликларни, номутаносибликлар, келишмовчиликларни биз ҳар доим ҳам ўзгартира олишга қодир эмасмиз. Аввало ўзимиздаги ғайри дунёқарашлардан, нотўғри ўй-фикрлардан тўхтамас эканмиз ҳеч нарса ўзгармайди.

Биз ўзимизни, интилиш-мақсадларимизнинг яхши-ёмон томонларини чуқур мулоҳаза қилсак, ишнинг юриши, сифат моҳияти ўзига хос муносиблик кашф этади.

Сиз ҳар қандай ўнганмаётган, қийнаётган масалаларга ишонч ва ақл кўзи билан қарасангиз, сиз-у бизга номаълум яшириниб ётган ижобий имкониятга дуч келамиз. Ҳеч қачон тушкунликка тушмаслик, мағлубият ҳақида ўйламаслик керак. Дўстлар даврасида, тантанали йиғилиш ёки қурултойдами – барибир ҳеч қандай ташвишланишга асос йўқ: икки оғиз ўз сўзингиз билан муносабатингизни англантишингиз мумкин.

Умуман, қалбингиз нимага ундаса, ўшанга яқинлашаверасиз. Шунинг учун ҳам иякни осилтирмасдан бошни баланд тутайлик. Тарихда машҳур саркардаю жаҳонгирларнинг эътироф этишларича, аскарларнинг ишонч ва иродаси ҳар қандай нарсадан кўра кўпроқ ғалабани таъминлашда бош омил ҳисобланган. Роберт Сервис-

нинг қуйидаги шеъри сизни ҳар доим жанговор фаолият сари ундаса, ажабмас.

*Биёбонда қолсанг адашиб танҳо,
Борлигинг қамраса ваҳима, ўлим –
Тақдир ўйинидан лол қолсанг бехос,
Қўрқувдан маҳв бўлар омонлик йўли...
Улим не? Тепкини боссанг, вассалом,
Мосуво бўлурсан ёруғ оламдан.
Ориятни эркак унутса – тамом,
Илк ҳамладаёқ қуршар яра-қон.
Ҳамият уйғониб, оташ бағрингда,
Майдонга чорларкан ҳаётбахш тугён.
Жонга қасд қилмоқлик оғир баридан,
Не учун дунёга келгандинг, Инсон?!
Ёшлик – бу энг гузал, мардона фасл,
Довулларга куксин қоядай тутар.
Сўнги нафас қадар чўққизга интил,
Сенга фақат хужум келтирар зафар!
Чўкаётган кема – оғизлик рамзи,
Ноумид кўнгилда сўнар иштиёқ.
Хоҳласанг, барига етгуси азминг,
Ахир, қураш асл мардларга маёқ!
Дардда адо бўлмоқ жудаям осон,
Чекинмоқ осондир, осон беркинмоқ.
Жанггоҳдан панада ўлмоқ ҳам осон,
Дўст, энг оғири бош кўтариб юрмоқ.
Сенга шараф бўлсин, Матонат, Қураш,
Балолар қаъридан чиқардинг омон.
Гарчанд, зарбалардан вужуддир яра,
Бил, тирик юрмоқ ҳам эмасдир осон...*

(Х. Қосим таржимаси)

Юқоридаги ашъор сизга манзур бўлса, уни тез-тез так-
рорлаб, иқтидорингиз кўтарса, ёдлаб олсангиз тушкун
кайфият яқинлашмай туриб, бир такрорлаб, иложи бўлса
овоз чиқариб ўқишга ҳаракат қилинг. Сизда янгича куч,
иштиёқ пайдо бўлиши, табиий.

Бир куни концертда соҳибжамол аёл билан ёнма-ён
ўтириб қолдим. Аёл мусиқадан ниҳоятда таъсирланиб
кетганди. Аслида, анча-мунча куйни тушуниб етишдан
салоҳияти йироқ эди. Гап шундаки, Шопеннинг асарини
композитор Падеревский ижро этишда ноталарни жуда
аниқ танлай билган эди. Бинобарин, ижро жўнгина адо
этилган бўлса-да ёқимли чиққанди. Боз устига, уйғун ҳара-
кат ва энгиллик ўзига хос жозоба бағишларди. Артист-
лик маҳоратидаги бу фазилат жўнликни, яъни ўртамиёна
даражани дадил босиб ўтиб, муваффақият қозонганди.

Рус рассоми, машҳур Брюллов шогирдининг қора-
лама суратини кўздан кечираётиб, қаламни қўлига
олди. Расмнинг бир-икки ерига қалам теккизиб, туза-
тиш киритди. Шогирди суратга қараркан ҳайратдан
қичқириб юборди.

– Устоз, сиз шунчаки қалам теккизишингиз билан
тасвир ўзгарди-қолди!

Устоз шогирдига мулойим боқиб:

– Аслида, билсанг, ҳақиқий санъат сен айтган «шун-
чаки»дан бошланади, – деди.

Демоқчиманки, Падеревский ижроси ҳам, Брюллов-
нинг «шунчаки»си ҳам нотиклик санъатига бир хилда
тегишлидир.

Инсон сўзлай бошларкан, нимани гапираётгани эмас, қан-
дай гапираётгани муҳим эканлиги ёдингизда бўлсин. Мен

келтираётган бу ибораларни минг йил муқаддам, Англия Рим мустамлакаси бўлган вақтда Квинтилиан айтиб кетган. Чиндан ҳам гоҳо саёз бўлса-да, яхши ифодалаб берилган нутқ тингловчида яхши таассурот қолдира олади. Гоҳо эса, аксинча, яхши, чуқур таҳлилларга бой нутқни ифодалаш усуллари оғирлашиб кетиб, паст таъсир этади.

Лорд Морли шундай деган экан: «Сен ким гапиряпти, қандай гапиряпти, нимани гапиряпти – мана шу уч омилга эътибор бер. Юқоридагилардан кўра учинчиси муҳимроқ». Кимдир бу «ҳикмат»ни ўқиб, «шу ҳам гап бўлдимми?» дейиши мумкин. Аммо эътибор берилса, унинг туйнукларидан ҳақиқатнинг порлоқ нури таралиб турганини кўрамыз, Мана бунисига нима дейсиз?

Мамлакатдаги мавжуд илм даргоҳлари – коллежларнинг кўпчилигида нотиқлик илмининг мумтоз намунаси сифатида Эдмунд Берк нутқларининг матни ўрганилади. Негаки, унинг маърузалари ихчам, аниқ маълумотларга асосланган ҳолда маъноли ёзилган. Аслида эса, Берк дастлабки пайтларида жудаям ночор нотиқ бўлган. У сўзга чиққан пайтда, турли-туман гап-сўз, мазах қилишлар, оёқларни тапиллатиб, залда тартибсизликлар бошланиб кетарди.

Тинимсиз меҳнат ва чидам Эдмунд Беркни нотиқлик оламида машҳур қилибгина қолмасдан, балки шу соҳага асос солган ва ўзига хос мактаб яратган шахслардан бирига айлантирган эди.

Мен бир қанча машҳур нотиқларнинг нутқи ёзилган матнларни ҳам мутолаа қилиб, улардаги турли-туман услублардан ҳайратланаман.

«Форд ишлаб чиқарган барча машиналар айнан бири-бирига ўхшайди, – деб ёзганди Генри Форднинг ўзи. –

Аmmo ҳеч қачон айнан бир-бирига ўхшаган икки одам бўлмайди. Азалдан айни ўхшашликка эга шахс бўлмаганидек, кейинги даврларда ҳам асло такрорланмайди.

Навқирон йигит ўзидаги хос хусусиятларни такомиллаштириш эвазига бошқалардан фарқланиш белгисини тўла ҳис этиши лозим. Начора, мактаб ва жамоалар эса кўп ҳолларда ҳаммани бир хил андозада фикрлашга, ҳаракат қилишга, такрорлашга сунъий зарурият туғдирадилар ёки мажбурият остига тортадилар».

Генри Форднинг юқоридаги мантиқли сўзларидан қандай хулоса чиқаришимиз мумкин? Аввало, бу дунёда бир-бирига ўхшаган икки одам бўлмаслигини тўғри идрок этишимиз лозим. Чиндан ҳам ўйлаб кўрсак, миллионлаб кишилардаги ташқи аъзолар: кўзимиз, бурнимиз, оғзимиз, юз тузилишимиз ва ҳатто ақл-идрокимиз мутлақо бетакрордир. Сўзлаш маромида, оҳангида ҳам ҳар кимда ўзига хос фарқ мавжуд. Демак, ҳар биримиз ўзимизга хос бўлган фазилат-хусусиятларни қадрлай билишимиз шарт.

Айтишларича, 1858 йилда Америкада сенатор Стивен Дуглас ва Авраам Линкольн ўртасида бўлиб ўтган музокара жуда машҳур бўлган.

Бу икки донғи кетган сиёсатчи ўртасида ҳар томонлама ҳам ер-у осмонча фарқ яққол кўзга ташланиб турган. Чунончи, Линкольн ўта дароз ва давангир киши эди. Дуглас эса ўрта бўйли ҳамда ораста одам бўлган. Буни қарангки, уларнинг хулқ-атвори, ички дунёсида ҳам кескин айирма мавжуд эди. Насл-насаб, ижтимоий келиб чиқишлардаги фарқни эса асти қўяверасиз.

Дуглас олий табақали, маданиятли оилада дунёга келган эди. Шунга кўра, унинг хатти-ҳаракатларида ҳам айрича назокат, баъзан киборларга хос такаббурилик мавжуд эди.

Линкольн эса аввалги рисоаларда эслатиб ўтгани-

миздек, қашшоқлашиб бораётган фермер хонадонида тарбияланган эди. Ҳаракатларида кутилмаган кўполликлар намоён бўлиб, атрофдагиларни ноқулай ҳолатга солиб қўярди.

Аммо сиёсат майдонидаги иккала бу йирик арбоб турли фазилатлар эгаси бўлишса-да, омманинг эътиборини ўзларига тез қарата оладиган санъаткор нотик эдилар. Айтайлик, Стивен Дугласда ҳокимиятпарастликка хос кескинлик, дадиллик бўлса, Авраам Линкольн нутқидаги вазминлик, теранфикрлилик, мантиқий далиллар кишини ўзига тортарди. Улар иложи борича, бир-бирларига, ўзгаларга тақлидан сўзлашдан қатъий сақланишарди. Айни вақтда, омма қаршисида нутқ сўзларкан, унинг тингловчиларга тушунарли ва таъсирли бўлишига, онгга етказиш керак бўлган жумлаларга алоҳида урғу бериб, тўхтаб (пауза) аудитория эътиборини ўзига қаратишга ҳаракат қиларди.

Ёдингизда бўлсин, гапирганингиздан кўра, нимани, қандай сўзлаганингиз муҳимроқ. Тингловчилар билан нотик ўртасидаги мулоқот боғланмай туриб ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди.

Сиз маъруза қилар экансиз, овозингизнинг ҳар хил оҳангларда эшитилиши ҳам аудиторияни сергаклантиради. Самимийлик, қўл ҳаракатларининг уйғунлиги, таъкид ҳам таъсирчанликни оширади.

Умуман олганда эса ҳамма ҳам ҳар ҳолда гапириш қобилиятига эга. Бунинг учун кўплаб тажрибалар қилиб кўришингиз мумкин. Мисол учун баджаҳл одамни чалиб йиқитинг-чи, ўрнидан туриб оғзидан боди кириб, шоди чиқади!

Катта-катта амалиёт билан шуғулланиш, машҳур воизлар нутқини аҳамият бериб тинглаш ва жим туришни бас қилиб ўз фикр-мулоҳазалари пайдо бўлганида дангал уни изҳор қилиш нутқ малакасини оширади. Шу

тариқа йиллар ўтиб ўз сўзлаш услубингизни кашф этасиз. Қалбингиздаги қатъият ва ишонч ҳамиша сизга муваффақиятни таъминлаб беради.

Қуйидаги жумлаларни ўқиб, ўзингиз хулоса чиқаринг.

Сўнгги эслатмалар:

1. Сиз нимага интилсангиз унга етишишга қодирсиз.

2. Сабр-тоқат билан ҳаракат қилсангиз, матонатли шахсга айланасиз. Асло умидсиз бўлманг.

3. Мақсад аниқ бўлса, муваффақият Сизга жудаям яқин туради.

4. Муаммоларга дуч келганингизда эсанкираб қолманг. Уни ҳал қилишдан аввал, асабларингизни тинчлантириб, мияннгизга дам беринг. Сўнг иш ёки вазиятнинг энг яхшиси, хайрлисини танлаб, қарор қабул қилинг. Ҳа, зиён-зарар, қаршингиздаги муаммо қанчалар қимматга тушаётган бўлса ҳам энг хайрли, оқибати осойишталикни таъминлайдиган ечимни танланг.

5. Гапни бежаб, чўзмасдан индаллосидан бошланг.

6. Мавзу сизга яқин бўлмаган ҳолларда кишиларни чалғитманг, сукут сақлаш ҳам илм одобига киради.

7. Ҳеч кимга тақлид қилмасдан нотўғри бўлса ҳам ўз фикрингизни айтинг.

8. Тингловчиларга яқинроқ жойда гапиринг.

9. Нутқ давомидаги хатти-ҳаракатлар, имо-ишораларда табиийликка интилинг. Ҳадеб қўлни бир хил ҳолатда юқорига кўтариб ёки тингловчилар томон ўқталиб, минғиллаб, столни тақиллатиб сўзламанг. Эшитувчиларга бу малол келиши мумкин.

10. Тайёргарлик кўрмаган, чарчаган ҳолатларда сўзга чиқманг.

11. Тингловчиларни ҳурмат қилган ҳолда ораста кийининг. Ташқи кўринишимиз бачкана ҳолатда бўлмаслиги керак.

12. Тингловчилар оз бўлса, уларни бир жойга тўплаб сўз бошланг. Сочилиб ўтирган тингловчиларга сўз уқтириш қийин кечади.

13. Мавҳум тушунчалардан сақланинг.

14. Ҳар бир кишининг ўз қизиққан соҳаси, нарсаси, кўзлаган манфаати бор. Сиз ўз манфаатингиз нуқтаи назаридан сўз бошларкансиз, ҳеч нарсага эриша олмайсиз. Яъни «фалон давлатда васиятнома қандай ёзилади» дейиш кулгили. Аммо «Шахсий ҳолатларда васиятнома қандай ёзилади?» дейилса, манфаатлар умумийлиги таъминланади. Ҳа, тиши оғриётган аёл учун Осиёда рўй берган кучли зилзила вайроналарию ҳалокатларидан кўра, дардига чора излаш, ундан халос бўлиш афзалроқдир.

15. Суҳбатдошингизни мамнун қиладиган бир нарса бор: сиз уни нима ҳақда бўлсаям тўйгунча гапиришига чидаб, маъқуллаб ўтиринг.

16. Ҳар қандай маърузанинг бошланиши қанчалар жозибадор, аҳамиятли бўлса, хулоса ҳам шунга яраша мазмун топиши лозим.

17. Минбарда тингловчиларга самимий табассум ила боқиб сўз бошласак ва бу илиқ иқлимни охирига қадар сақлаб қолсак, ютуқ бизники бўлади.

18. Сиз маъруза қилмоқчи бўлган бинонинг ёруғлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

19. Ўзаро суҳбат тарзида ўтказиладиган мулоқотлар ҳаминша таъсирчан ва узоқ вақт ёдда сақланиб қолади.

20. Қўл ва оёқ ҳаракатларингизнинг кўплиги, ҳадеб кийимларингизни пайпаслайвериш, аудиториядан юз ўгириб, у ёқ-бу ёққа юришлар ишингизнинг чаппасига кетишига сабаб бўлади.

21. Сўз бошида кечирим сўраш, биринчи марта сўзга чиқишим каби «камтарона» дийдиёлардан ўзингизни тўхтатинг. Бу кўзланган мақсадга жиддий соя ташлайди.

22. Иложи борича ҳужжат ва рақамлардан фойдала-

нилганда асосийларига эътиборни қаратинг. Бир-бирига қалашиб кетмасин. Аксинча, эшитувчиларни чалғитиб юбориш мумкин.

23. Сўзни бошлаётганда оддий ва тушунарли ҳолатда воқеа-мавзуни баён қилишга киришинг. Ёдингизда бўлсин: узук-юлуқ фикрлар тингловчиларнинг норози кайфиятга берилишларига, зерикишига сабаб бўлади.

24. Нутқингизда мавзуга боғлиқ, мос тушадиган ривоят, латифа, ҳазил-мутойиба қўллашни ўрнига қўёлсангиз, йиғилиш провардигача ташаббус сўзсиз сизнинг қўлингизда бўлади.

25. Юқорида эслатганимиздек, ҳар қандай бошланган нарсанинг охир-ниҳояси ҳам бўлади. Маърузадаги сергаплик, қайта-қайта бир сўзни ўринсиз такрорлаш таъсирчанликка путур етказди.

26. Ишни янги бошлашда катта-кичик камчиликлар содир бўлиши, хатоларга йўл қўйилиши мумкин. Беайб Парвардигордир. Эътибор беринг: биринчи марта сўзга чиққан одам иккинчи, учинчи бор сўзга чиқар экан, аввалгисидан кўра сифат ўзгаришларига эга бўлаётганлиги сезилиб туради. Хатолардан асло чўчиманг. Ҳатто энг машҳур сўзамол инсон, АҚШ президенти Авраам Линкольннинг ҳам дастлабки нутқларида иккиланиб қолган пайтлари кўп бўлган.

Илк бор кўпчилик олдида сўзлашга тўғри келиб қолганда, сўзловчини аудитория салобати босиши табиий. Аммо шуни унутмангки, бундай ҳолатга тушувчи ёлғиз сиз эмассиз. Тадқиқот, кузатувчилар шуни кўрсатадики, оғзаки нутқ курсига ёзилган саксон-тўқсон фоиз талабалар ҳам дастлаб аудитория қаршисида ҳаяжон ва бир оз қўрқув исканжасида қолишган. Яна шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, менинг курсимга янги қатнашаётган балоғат ёшидаги кишилар орасида юқоридаги «довжорак»лар янада кўпчиликни ташкил қилади.

Аслида, эътибор берсангиз, бундай чўчинқираш сиз учун фойдалидир. Бу кутилмаган ҳолатлардан учрашувларда сўзга чиқиш зарурияти туғилиши мумкин, дея фарз уйғотади ва олдиндан бунга тайёргарлик кўришга ундайди. Ўзига хос руҳий чиниқиш такомиллашади. Томир уриши ва нафас олишлар бора-бора меъерий ҳолатга эга бўлади.

Чунки теримиз, ташқи таассуротларнинг қандай бўлишидан қатъий назар, уни кутиб олишга шай туради. Бошқача ифодаласак, танамиз ҳар қандай ҳужумга қарши жангга тайёр ҳолатда бўлади. Бундай физиологик жараёнларни тўла назорат қила олиш қобилиятига эга бўлар экансиз, сиз ҳар ҳолда гап нима устида кетаётганини, қандай фикр-мулоҳаза билдириш лозимлигини аниқ ҳис қилишни ўрганасиз ва ишонч билан бемалол сўзлаш имконияти пайдо бўлади.

Мен моҳир нотиқларнинг кўпчилигидан ҳалигача аудитория қаршисида ҳаяжон ва чўчишдан тўла қутула олмаётганларини ҳам эшитганман. Ҳа, бундай туйғу кўпинча сўз бошлаш давомида сезилиб туради. Аслида тулпор ва ишчи отларнинг фарқи ҳам шунга ўхшашроқ.

Нотиқлар вақт ўтган сари чиниқиб, маҳоратлари ошиб боради. Ҳар бир учрашув улар учун ҳақиқий амалий машғулотга айланади, унча-мунча ҳолатлардан енгилгина чиқиб кета оладилар.

Яна бири кўпчилик олдида сўзлашга кўникмаган кишиларда ҳам бироз «тизза қалтираши» рўй бериши мумкин. «Қўрқув инсонда дудуқлик ва ишончсизликни пайдо қилади», дейди профессор Аобинсон «Ақлнинг тикланиши» номли китобида. Бошловчилар учун бу ҳолат теннис столига ёки машина рулига биринчи марта яқинлашаётган кишининг ҳаяжонини эслатади. Машқ туйғу файли ирода руҳий кучга тўлади. Минглаб кишилар

машқ туфайли ҳайратомуз натижаларга эришганликларини унутманг. Шунда кўпчилик олдида сўзлаш сизга қўрқув-ҳаяжон эмас, катта қувонч бахш этувчи санъат даражасида туйғу уйғотади.

Машҳур руҳшунос ва воиз Альберт Эдвард Уиггемнинг ҳаётида қуйидагича воқеа содир бўлган. Узининг таъкидлашича, мактабда ўқиб юрган вақтида, яқинлашиб келаётган тантанали тадбирлардан бирида унга беш дақиқалик нутқ сўзлаш топширилган. «Бу кун яқинлашган сари, – деб ёзади, – ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Сўзга чиқишни ўйлаганимдаёқ миямга қон қуйилиб кетаётгандай, томоғим қақраб, пешонам қизиб кетарди. Бошимни бинонинг муздек фиштин деворига босиб, ўзимни совутмоқчи бўлгандим. Бу ҳолат коллежда ҳам давом этганди. Менга айтилган мавзудаги нутқни ёдлай бошладим: «Адамс ва Жефферсон орамиздан кетишди»... Қачонки, мен аудитория қаршисида турарканман, бошим айлангандек бўлди, қаерда эканлигимни ҳам унутай дегандим. Зўрға тилим калимага келиб: «Адамс ва Жефферсон орамиздан кетишди», дея олдим, холос. Бошқа бирон бир сўз тилимга келмай қолди. Барча уринишларим зое кетиб, ҳеч нарса айтолмай, беихтиёр таъзим қилиб юбордим-да, гулдурос қарсақлар остида зўрға жойимни топиб ўтирдим. Шу заҳотиёқ ректоримиз ўрнидан туриб: «Эдвард, биз бу қайғули хабардан жудаям афсусдамиз, аммо начора, тақдирнинг зарбасига бардош беришга ҳаракат қиламиз», деди. Залда кучли қаҳқаҳа янгради. Мен ер ёрилмадию кириб кетмадим! Шу воқеадан сўнг бир неча кун ўзимга келолмай касал бўлиб қолгандим.

Ушанда мен кейинчалик нотиқликда бу қадар катта муваффақият қозонишимга ҳечам ишонмаган эдим»...

Бундай мисоллар жуда кўп.

Бир неча йил муқаддам Нью-Йоркдаги «Ротари» клубида ҳукуматнинг нуфузли вакили нутқини эшитмоқчи бўлгандик. У бизни департаментнинг олиб бораётган фаолияти билан таништирмоқчи эди.

У минбарга чиққанидаёқ сўзламоқчи бўлган нутқини режалаштирмаганлиги сезилиб қолди. Аввал тўғридан-тўғри сўзламоқчи бўлдию, ҳеч гапи қовушмади. Кейин чўнтақларини кавлаб, қандайдир маълумотлар қайд этилган бетартиб ҳолатдаги қирқим қоғозларни титкилай бошлади. Барибир у ҳеч нарсани тушунтира олмасди. Фикрларини йиғиб ололмас, қайта-қайта кечирим сўрарди. Титраётган қўллари билан зўрға стаканни ушлаб, қуруқшаётган лабларини намламоқчи бўлди. Ташвиш уни синдириб бўлганди. Охири, ноилож ўрнига ўтирди. Унинг нутқи гўё Руссонинг муҳаббат номасини қандай ёзиш кераклиги тўғрисидаги йўл-йўриғига ўхшаб кетарди. Яъни, нима дейишни билмай бошлаб, нима деганини тушунмай тугатган ошиққа ўхшарди.

«Ҳақиқий муҳаббат, – деб ёзади руҳоний Иоанн, – қўрқувни маҳв этади». Жудаям ўринли ҳикмат. Биз ўзимизда қатъият ва ишончни тўла шакллантира олсак, хавотирланишга асос қолмайди.

Баъзилар қатъий тайёргарлик кўришни нутқни ёд олиш, дея тушунишади. Бу усулга мен мутлақо қарши ҳолатда «Йўқ, асло», деб бор овозим билан жавоб бераман. Нутқни ёдлаб, тингловчига сўзлаш биз кутган старли самарани бермайди. Бошқа ноқулай томонлари ҳам бор.

Америкада кўзга кўринган шарҳловчи Г.В. Кальтенборн Гарвард университети талабаси эканлигида ифодали ўқиш бўйича ўтказиладиган мусобақада иштирок этган. У «Муҳтарам жаноблар, аъло Ҳазрат келдилар» номи қисқа ҳикоячани юз бор ўқиб, ёд олади.

Беллашув навбати келганда у: «Муҳтарам жаноблар, аъло Ҳазрат келдилар», дейдию давоми сира ёдига келмайди. Сўзларини тингловчиларга етказишдан мутлақо ожиз эди. Шундай бўлса ҳам ҳайъат аъзолари болакайга биринчи ўринни беришганда оғзи қулоғида эди. Шу тариқа у ҳар қандай мунозара ва музокараларга дарҳол киришиб кета оладиган (экспролет) нотик даражасига кўтарилган.

Агар биз мавзу мазмунини тўғри англаб етсак, қолаверса, ўзимизга таниш яқин ғоя бўлса, иккиланмай баҳсга қўшилиш имконияти туғилади. Ғоя аниқ бўлса, сўз ўз-ўзидан табиий ҳолда уланиб келади, гўё биз нафас олаётган ҳаводек беғубор бўлади.

Юқоридаги ҳолатга, ҳатто Уинстон Черчилдек инсон ҳам тушиб, бир умр ёдидан чиқмайдиган сабоқ олган. У ёшлик йилларида жуда кўп нарсаларни ёзиб, ёд олиб юрган. У Британия парламентида ёд олган нутқини сўзлаётиб, бир лаҳза тўхтаб қолади. Бу «тўхтаб» қолиш унга қимматга тушган. Хотираси беаёв панд берган! У қайта-қайта бошидан бошламоқчи бўладию уддалай олмайди. Шундан кейин Черчил нутқини ёдлаб сўзга чиқишдан бутунлай воз кечади. У мустаҳкам иродали давлат бошлиғигина эмас, ҳатто халқаро миқёсдаги етук сиёсатчи ҳам эди.

Сиз ўзингизни ноқулай аҳволда қолдирмаслик учун кундалик ҳаётингизда қўллаб келаётган қуйидаги сўзлашув жараёнини мулоҳаза қилиб кўринг. Оила аъзолари, дўстлар, ишдаги ҳамкорлар билан оддий мулоқот-

лар олиб боришдан аввал нима демоқчи эканлигимизни яхшилаб ўйлаб оламиз. Сўнг сўзлаймиз, фикр-мулоҳаза билдирамиз. Бунда гоҳо сўзларимиз пойма-пой келиши мумкин, лекин нима демоқчи эканлигимизни ён-веримиздагиларга хотиржам тушунтира оламиз. Биз ҳаётда, умрбўйи шу тарзда ўзаро суҳбатлашамиз. Нега энди кўпчилик олдида сўзлаш лозим бўлганда аввалги, доимий хотиржамлигимизни йўқотиб қўямиз, дудуқ бўлиб қоламиз?! Бу хато! Биз аввалги ҳолатимизни йўқотмай, кўз ўнгимиздаги ўзаро мулоқот услубимизни ўзгартирмаслигимиз лозим.

Париж нафис санъат мактабини тамомлаган Венс Бушнел кейинчалик дунёдаги энг машҳур суғурта компанияларидан бирининг вице-президенти бўлган. Бир куни компания акционерлари йиғилишида Американинг барча томонларидан келган икки мингдан ортиқ киши қатнашаётган эди. Венс бу вақтда суғурта соҳасида икки йил ишлаган бўлиб, унча-мунча сир-асрорларидан хабардор ҳолда ютуқларга эришаётган бизнесмен сифатида танила бошлаганди. Унга йигирма дақиқалик вақт белгилашди. Бу Венсга маъқул бўлдигина эмас, уни қувонтириб ҳам юборганди.

У ўз нутқини астойдил ёзди ва... ёдлаб олишга ҳаракат қилди. У йиғилиш кунига қадар роса машқ қилди. Ойнага юз бор ўзини солиб, ҳаракатларига сўз талаффузларию, юз ифодаларигача артистлардек тайёрланди. Венсинг ўзидан кўнгли тўлди.

Аммо... у сўзга чиқар экан «Бу дастурни амалга оширишдаги менинг вазифам шундан иборатки»... деганича қотиб қолди. У керакли сўзни миясига келтириш учун икки қадам ортига тисарилди. Бўлмади. Қайтадан бошламоқчи бўлиб, яна икки қадам орқасига юрди. Афсус, ёдига ҳеч нарса келмасди. Яна икки қадам орқасига ти-

сарилиб, ҳаяжон ва хижолатда қолган бечора Венс сахна орти пастлик эканини унитиб, ағдарилиб тушди. Аудитория деворлари кучли қаҳқақадан дириллаб кетди. Бир киши ўзини туюлмайд курсиси билан тўнтарилиб тушди. Компания тарихида бунақаси ҳеч бўлмаган. Гўё қизиқ бир спектаклдан парча намоиш қилингандек эди. Компания ветеранлари узоқ йиллар бу воқеани кулиб эслаб юришди. Мен буни Венс Бушкелнинг ўзидан эшитгандим. Ўзининг айтишича, ҳаётида бундан ортиқ ўнғайсиз ҳолатга тушмаган. Бу шармандачиликка чидолмай, ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзади.

Аммо Венснинг бошлиқлари аризасини йиртиб ташлаб, унга алоҳида ишонч ва кўмак кўрсатишади. Йиллар ўтиб, у ўз ташкилотининг ажойиб нотиғига айланади. У эндиликда ҳеч қачон маърузаларини ёд олмай, ўз билган доирасида, тажрибалардан келиб чиққан ҳолда сўзлаш маҳоратига эга бўлди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Нотиқ дастлаб, хатоларга йўл қўйиши, баъзи қисмларини беихтиёр ташлаб кетиши, сўзлар ўрнини алмаштириб қўйиши мумкин. Бу хавотирланишга асос бўлмайди. Ҳаммаси вақти-соати билан учрашувдан учрашувгача такомиллашиб борувчи табиий жараёндир.

Авраам Линкольн шундай деган экан: «Менга жонга тегиб минғиллайдиган насиҳатгўйлар сираям ёқмайди. Уларнинг алжирашини асаларилар билан олиб борилаётган жангга ўхшатаман».

Бу билан машҳур сиёсатдон, бурро нотиқ бўлган Линкольн нима демоқчи?

У кишини ҳаяжонга соладиган, ўзини қўйгани жой топа олмайдиган даражадаги нутқни эшитишни хоҳлайди.

Нотиқ нутқи ҳеч қачон асалари билан олиб борилаётган жангни эслатувчи зерикарли, мақсадсиз бўлмаслиги

лозим. Ёдлаш, декламация театр актёрларининг кундалик машғулоти бўлиб, омма олдида муҳим масала юзасидан сўзловчи нотик учун мақбул услуб эмас.

Ў ҳолда сўзга чиқиш учун қандай тайёрланиш керак? Бу масалада жавобни ўз ҳаёт тарзингиздан излаганингиз маъқул. Сиз ўз ҳаётингиз фикрларингизни жамланг, ишонч ва ғояларингиз, тажрибаларингиз таъсирида шаклланган услубларингиз сизга қўл келади.

Нутққа тайёрланиш тўғри мулоҳаза юритиш, аввал мавзунини мияда обдан пишириш билан бошланади. Бундан бир неча йил муқаддам Йэл университетидан доктор Чарлз Рейнольдс Браун ўзининг унутилмас суҳбатларидан бирида шундай деган: «Сиз сўзламоқчи бўлган фикр ўзининг аниқ қиёфаси (тузилиши)га эга бўлмагунча мияда «ишлов» беринг. Пайдо бўлган барча ғояларни қоғозга туширинг, уларни бир неча жумлада алоҳида ифодалашга ҳаракат қилинг. Сиз уларни ҳам алоҳида қоғоз парчаларига қайд этиб қўйинг. Қачонки сиз ҳақиқатан ишга киришар экансиз, бир-бирига боғланган ва боғланмаган ахборотлар кўзга ташланади. Уларни тартибга солиб, «силлиқлаштириш» енгил кўчади». Маъқул фикрми? Ҳар ҳолда бу жуда қийин эмас. Фақат, бир мақсад сари аниқ йўналиш олиш ва ҳаракат қилиш керак, холос.

Сиз нутқингизни тайёрлаб бўлдингиз. Ҳар ҳолда кўнглингиз сал хотиржам. Аммо энди сизни нутқингиз ҳақидаги ўзгаларнинг фикри қандай бўлиши сўзсиз қизиқтиради. Бу борада энг самарали ва ишончли усул

шуки, дўстларингиз, ҳамкорларингиз билан ўз ғоя-фикрларингизни ўртоқлашиб кўринг. Уларга маъруза тайёрлаганингиз тўғрисида сўзлаб бериш шарт эмас. Ўз фикрларингиз билан ҳамсуҳбатингизнинг муносабатини уйғотишга ҳаракат қилинг. Бу тушлик вақтида футбол матчи ҳақидаги валақлашлардан кўра минг марта фойдалироқ бўлади. Масалан: «Жон, менда бир фикр пайдо бўлиб, бошимни қотирыпти. Шунини сенга айтиб берсам, нима дейсан?» тарзида гап ташласангиз, менимча, у рад этмайди. Сизнинг сўзингиз дўстингизга қандай таъсир этаётганини эътиборингиздан қочирманг. Унинг жавобларини яхшилаб тингланг ва ҳисобга олинг. Суҳбатни гўё маслаҳат сўраётган тарзда давом эттиринг. Баҳс-мунозарага киришиб кетманг. У сўзсиз бирор ғоя ёки зарур фикр айтиши мумкин, муҳими, муносабатини аниқлайсиз.

Машҳур тарихчи Алан Невинс ёзувчилар билан учрашувда шунга яқин фикр билдирган: «Сизни қизиқтираётган масалаларнинг икир-чикирларигача билишингизни истасангиз, дўстларингизни тўпланг. Мақсадингизни уларга айтиб, нимани хоҳлаётганингизни изҳор қилинг. Бунда сиз нималарни унутганингиз, нима қўшимча қилишингиз лозимлиги аён бўлади. Яна бир муҳим томони, сиз бу ғояни қай тарзда, усул ва шаклда баён қилишингиз манзур бўлиши ҳақида ҳам бир тўхтамга келасиз».

Мен кундузи камдан кам ҳолларда телевизор кўраман. Бироқ сал аввалроқ дўстларимдан бири уй бекалари учун ўтказилаётган телешоуни кўришни илтимоқ қилиб қолди. Мен кундузги бу кўрсатувни қизиқиб томоша қилдим. Бир неча марта кўрсатувни томоша қилиб, ҳар гал

Ўзгача таассурот олардим. Шунини алоҳида таъкидлашни истайманки, кўрсатувни олиб борувчи ўз ишини қойилмақом қилиб бажарарди. Кўрсатув қатнашчиларини даврага тўла жалб этиш, уларга турли саволлар бериб, жавоб олиши, аудитория фаоллиги мени ҳайратга соларди. Кечада қатнашаётганлар маҳоратли нотиклар ёки нотиклик курсларида ўқиганлар эмас, оддий уй бекалари эди. Улар саволларга зўр қизиқиш билан жавоб беришарди. Кўпчилиги грамматик жиҳатдан сўз талаффузига, қурилмасидаги алмашиб келаётган ибораларга расман риоя қилмасалар-да, ўзига хос ҳозиржавобгарлик ва томошабинлар диққат-эътиборини ўзларига қарата олишлари мароқли эди. Улар нафақат камера қаршисида, балки томошабинлар рўпарасида ҳам ҳеч қандай хавотирлик, тортинчоқликни ҳис этмай, бемалол, эркин сўзлашарди.

Бу кўрсатувлар йиллар давомида муваффақият қозониб келди. Сабаби нима? Оддий халқ – содда эркак ва аёлларнинг оиладаги каби мулоқотлари экран қаршисида ҳам ҳар қандай «косметикасиз» намоиш этилиши кўрсатувни жонлантириб юборган. Уларнинг ҳаётдаги яхши ва ноқулай жиҳатларни рўй-рост, ўзига хос тарзда ифода этишлари, эсдаликлари, муносабатларида сохталик кўринмайди. Тўқиб чиқарилмаган. Айни вақтда уларда мулоқотга кириш ва хулоса деган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма томон очиқ, яйдоқ... Улар нимани хоҳлашган бўлишса, шунини сўзлашарди.

Нотиклик санъатида ҳам кўнгилдаги гапни айтиш мароқли бўлади.

Шоу иштирокчилари шайхоний ҳаётларида нимани билишса, тасаввур қилишса, шу тарзда ўз фикрларини баён қилишарди. Энди тасаввур қилингки, улардан коммунизмнинг қандай босқич эканлигини ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкилий тизими қандай

тузилганлиги сўралса, қандай ҳолат пайдо бўларди? Табиийки, бундай саволлар билан кўрсатув даражасини мутлақо тушириб юборишарди.

Бир неча йил муқаддам Дейл Карнеги курсининг Чикагодаги «Конрад Хилтон» бўлимида бўлиб ўтган ўқитувчилар йиғилишида курс талабаларидан бири ўз нутқини шундай бошлаганди: «Озодлик, Тенглик ва Биродарлик. Инсоният луғатида бундан кучлироқ ғояни акс эттирувчи сўз йўқ. Эркисиз ҳаётда яшаш ҳаёт эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг, агар бизнинг эркимиз чекланган тақдирда ҳаётимиз мазмуни қандай ҳолатда бўларди?»

У ўз сўзини давом эттиришга улгурмади. Сабаби, аудиториядаги инструктор унинг сўзини бўлиб, ўз сўзингга ўзинг ишонасанми, ишонсанг нима учун, қабилида савол бериб қолди. Тингловчилар ҳам ҳозиргина сўзлаган маърузасига мувофиқ ўз ҳаётидан, тажрибаси мисолида исботлаб беришини илтимос қилиб қолишди. У ажойиб, кишини ҳаяжонга солувчи ўз ҳаёти тарихини сўзлаб берди.

У иккинчи жаҳон уруши даврида фашизмга қарши французларнинг яширин ҳаракатдаги қисмида кураш олиб борган. Нацистлар уни ва оиласини қанчалар кўрмаганликларини, сўзлаб берди. Махфий полиция таъқибидан қай тариқа қочиб қутилганлигини жонли қилиб тасвирлаб берди. Ўз сўзи якунида қандай қилиб Америкага келиб қолганини ҳам баён қилди. У ўз сўзини:

«Мен бугун Мичиган авеню меҳмонхонасига келар эканман, полициячилар ёнидан хотиржам ўтдим. Улар менга ҳеч қандай аҳамият беришмади. Меҳмонхонага ҳеч қандай ҳужжат тақдим этмаган ҳолда жойлашдим.

Қачон бу йиғилиш тамом бўлса, мен хоҳлаган томонимга кетишим мумкин. Менга ишонинглар, озодлик учун курашмоқ керак!»

Тингловчилар уни тик турган ҳолда гулдурос қарсақлар билан олқишладилар.

Кўплаб нотиқлар ўз нутқларида шахсий ҳаётларидан жонли мисоллар келтиришни унча маъқул кўрмайдилар. Мен буни кўп йиллик кузатишларимдан яхши биламан. Улар ўзлари таълим олган коллеж ва бошқа илм даргоҳларида ўқитилган фанлар – фалсафа, тарих йўналишларидаги умумий олди-қочди гаплар билан тингловчиларнинг вақтини олишлари бор нарса. Газета-журналлардан, ўқиган-эшитган мақолаю ҳангомалари билан сиз-у бизни таништиришга интилишади.

Сиз аллакимларнинг сўзини пеш қилиб нотиқлик қилманг. Ҳаёт сизни нимага ўргатган бўлса, шундай сўзланг – ўшанда мен сизни жон, деб тинглайман.

Эмерсон: «Жамиятда ким қандай ўринда бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай кишида ўрганиш учун арзирли бир нарса бўлади, шунинг учун бундай кишиларни жон қулоғим билан тинглайман», дейди. Мен кўплаб мўътабар кишиларнинг маърузаларини эшитганман. Улар ўз ҳаётий тажрибалари асосида шу қадар содда, таъсирчан ва мазмунли сўзлашар эдики, гўё зўр бир санъат асари билан танишгандек ўзингизни ҳис қиласиз.

Кўпчилик иш билан банд кишиларга фалон вақтда, фалон жойда, фалон мавзуда сўзга чиқиши айтилган тақдирда бир мунча ноқулайлик туғилади. Шошилиб кўрилган тайёргарлик эса ҳеч қачон таъсирчан чиқмайди. Бу борада сизга таниш банк ходими Жексон ҳақида аввалроқ ҳикоя қилган эдик. У йиғилганларга умумий гапдан бошқа ҳеч нарса айтолмаган.

Биз сўзлашимиз мумкин бўлган ҳамма мавзулар кишини тўлқинтира оладиган мазмунда бўлавермайди. Масалан, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш мавзусида сўзлаш идиш-товоқ ювиш ҳақида гапиришдан кўра мен учун осонроқ. Бу тарзда суҳбатни бошламаслигим керак эди. Чунки сиз, бу билан нима демоқчи Дейл Карнеги, деб ўзингизни хит қилиб юборишингиз мумкин. Гап шундаки, уй бекаларининг ўз оилаларидаги тартиб-қоидаларни ўрнига қўйиш баробарида идиш-товоқларни ювиш ҳақида талайгина ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари мавжуд экан. Бу ҳақда улар шу қадар берилиб сўзлайдиларки, беихтиёр бундай қоида-кўрсатмаларга ишона бошлаганингизни ўзингиз сезмай қоласиз.

Бунча гапларни сизга тиқиштиришдан мақсад шуки, танлаган мавзуингиз ўзингизга яқин бўлиши муваффақиятни таъминлайди. Ўзингизга нотаниш масала бўлса, боз устига бу соҳада янги бўлсангиз, қийинчилик туғилиши табиий. Аммо сўзлаётган пайтингизда кимдир шартта нутқингизни бўлиб, сизнинг нуқтаи назарингизга қарши муносабат билдира бошласа, билингки, сиз мавзуни тўғри белгилабсиз. Фикрлар ҳар хиллиги мавзу доирасини атрофлича кенгайтиришини унутмаслик лозим. Баъзи нотиқлар эса бундай луқмаларни ҳазм қилолмай, қарши фикр билдирганларга нисбатан «тиш қайраб» юрадилар. Бу – хато!

Яқинда 1926 йилда Женевада бўлиб ўтган миллий лига сессиясидан сўнг ўз муносабатимни ёзиб қўйган вароққа кўзим тушди. Унда шундай ёзган эканман: «Қаерда йиғилиш бўлса, ўша жойда аввалдан ёзиб ўқиб

келинган маърузаларни яна бир карра тингловчиларнинг кайфияти, вақтини ўғирлаб такрорлаган уч-тўрт турғун «нотиқ»лардан сўнг, сўзга канадалик жаноб Жорж Фостер чиқди. Унинг қўлида на бирор нутқ ёзилган қоғоз, на бир ҳужжат бор эди. У тингловчиларга етказмоқчи бўлган фикрларини шу қадар теран ва содда баён эта олди. Аудитория ҳушёр тортиб, уни мароқ билан тинглашди. Унда фикрлаш, ишонтириш, далиллаш санъати мантиқан бир-бирини тўлдира оларди».

Мен жаноб Жорж Фестернинг бу ажойиб нутқини тез-тез эслаб тураман. Сабаби бу маъруза ҳаётийлиги билан тингловчиларни ўзига жалб қила оларди. Америкада ном қозонган нотиқлардан бири руҳоний Фултон Жон Шин эди. Ҳаёт уни ёшига нисбатан барвақт ўз таъсирига олганди. У ўзининг «Ҳаёт яшаш учун берилади» номли машҳур китобида шундай ёзади: «Менга коллежда бўлиб ўтадиган баҳслашув гуруҳида иштирок этишимни билдиришди. Биз Париж ибодатхонасида кечасию кундузи тайёргарлик кўра бошладик.

Беллашув яқинлашган паллада мени нотиқлик санъати бўйича муаллим ўз хонасида қаттиқ койиди. Мен сабабини билолмай ҳайрон эдим.

– Сиз жуда ёмон ҳолда нотиқликни олиб боряпсиз. Коллежимиз тарихида ҳали бундай шармандагарчилик содир бўлмаган, – деди у.

– Ий-е, – дедим ўзимни оқламоқчи бўлиб, – агар шу қадар шармандагарчиликка йўл қўяётган бўлсам, нега унда мени танладингиз бу гуруҳга? – дедим.

– Шунинг учунки, сиз ҳар ҳолда фикр-мулоҳазаларингизни бир қолипга солиб ифода эта олишингизни билардим. Аммо сиз эндиликда машқ давомида ўзингизни гўлликка соляпсиз. Анави бурчакда туринг. Маърузангиздаги манави сўзбошингизни ўқиб, ўзингиз ха-тоингизни изоҳлаб беринг!

Мен кўрсатилган жумлани қайта-қайта ўқидим. Ҳеч нарсани сезмадим.

– Хатоингизни билдингизми?

– Йўқ, мутлақо.

Мен яна ва яна соатлаб матн устида бош қотирдим. Охири чарчадим.

– Ҳалиям топмадингизми?

Икки соатча таҳлил қилганимдан сўнг шундай дедим:

– Менимча, бу ерда бироз ҳаётийлик етишмаяпти...

– Ҳа, баракалла. Ҳаётийлик акс этмаган мавзуда ўзлингиз ҳам йўқолиб кетади. Сиз аллакимга ўхшаб эмас, ўзингизга ўхшаб сўзлашингиз лозим.

Руҳоний Шинга бу умрбод сабоқ бўлди. Кўп изланди, ўрганди. Кейинчалик минг-минглаб тингловчилар ҳузурида қалбларни забт этувчи жозибали маърузачилардан бирига айланди.

Курсимиз тингловчиларидан бири: «Мени ҳеч нарса қизиқтирмайди, бир хил тарзда ҳаёт кечираман», деб қолди. Йўриқчиларимиз у билан қизиқишди. Ишдан бўш вақтларида нима билан машғул бўлишини сўрашди. Табиийки, кимдир китоб ўқийди, кимдир кинога боради. Яна биров гулхонасига қараб, суғоради в.ҳ. Қарангки, юқоридаги тингловчимиз эса гугурт қутиларини йиғишга ишқибоз экан. Йўриқчи, нега шу пайтгача бу ҳақда индамаганлиги учун танбеҳ бериб, рағбатлантиришга ўтган.

Ўз ишининг аҳамиятидан руҳланган тингловчи берилиб, ҳар бир гугурт қутисини қачон, қаердан, қандай олганлигини сўзлай бошлаган. Унинг йиғмалари ичида қарийб, дунёнинг ҳамма мамлакатларида ишлаб чиқа-

рилган гугурт қутилари мавжуд экан. Ҳар бир қутида ўзига хос расм ва ёзув бор. Уларда нималардир реклама қилинган. Тингловчимиз ўзининг бу ишларини клубдагиларга ҳам сўзлаб берган.

Демоқчимизки, ҳаётда майда-чуйда, аҳамиятсиз нарсанинг ўзи йўқ. Фақат биз сал эътиборли бўлиб, тафаккуримизни ишга сола билсак бас.

Жейлес Х.Робинсон ўз китобида орзу ҳақида ёзар экан, «у ёқимли мулоҳазалар таъсирида тўлиб-тошиб пайдо бўлувчи туйғудир», дейди. Унинг фикрича, инсон нимани орзу қилиб интилса, бу унинг шахсий ғоялари билан уйғунлашиб кетади. Айнан шу ҳис туфайли бизнинг ҳаракатларимизни умид ва ташвиш қуршайди. Бинобарин, бизни ўзимиз истаётган, хоҳлаётган нарсамиздан бошқаси қизиқтирмайди.

Филадельфиялик Гарольд Дуайт бизнинг курсимизни битираётганлар зиёфатида ажойиб нутқ сўзлаганди. У даврадагаларнинг ҳар бирига навбати билан ҳазил-ҳузуллар қилиб, машғулотлар давомида ким қандай қатнашган, нималар деган, қандай ҳолатларга тушган бўлса, феъл-атвориға мувофиқ қилиқларини ҳам такрорлаб, ҳаммани кулдирган эди. У маҳорат билан бутун залда қатнашаётганларнинг эътиборини ўзига қарата олганди.

Бир неча йил аввал мен машҳур журнал «Америкэн мэгэзин»да бир қатор туркум мақолалар эълон қилгандим. Мен ёзганларим ҳақида фикр олиш мақсадида Жон Сидаллга мурожаат этгандим.

«Одамлар худбин бўлиб кетган, – деди у – сенинг юз карра яхши нарсангдан улар учун ўзларини қизиқтирган, манфаати устун бўлган жиҳатлар қизиқарлироқдир.

Уларга темир йўлларни давлат мулкига айлантиришдан кўра, қандай қилса кўпроқ даромад топади, маоши кўпаяди ёки соғлиқни қай тарзда муҳофаза қилиш осонроқ бўлади каби шахсий муаммо ва харажатлар кўпроқ қизиқтиради. Агар мен бу журналнинг муҳаррири бўлганимда, – дейди давом эттириб, мен обуначиларга тишни қандай қилиб тоза тутиш ва эҳтиёт қилиш ҳақида, қай ҳолатда ванна қабул қилиш, ёзнинг ҳароратли кунларида хоналарини салқинлатиш, қандай қилиб мансабдор бўлиш, қўл остидаги кишиларга қанақа муомала қилиш, уйни қандай сотиб олиш, грамматик хатолардан қутулиш каби ва ҳоказолар ҳақида ёзган бўлардим. Кишилар ўзгаларнинг таржимаи ҳоллари билан жудаям қизиқадилар. Бу борада мен бирор бир бадавлат киши билан суҳбатлашиб, қандай қилиб кўчмас мулкни сотиб олиб, миллионер даражасига кўтарилганлигини сўзлаб беришни илтимос қилардим. Энг машҳур банкир, ишбилармонлар ва турли зўр корпорациялар президентларига журналимдан кенг минбар бериб, ўз тажрибаларини, қандай қилиб оддий ходимликдан раҳбар даражасигача босиб ўтган йўл ҳақида ёзган бўлардим».

Дарвоқе, тез орада Сидалл чиндан ҳам муҳаррир бўлиб қолди. Журнални дастлаб озроқ тиражда нашр этди. Одатдагидек, янги бошлашда бироз депсинишлар, йўқотишлар бўлди. Бироқ у ўзи санаб ўтган мавзулар асосида ишни йўлга қўя бошлади. Натижа ижобий тус ола бошлади. Ҳар бир сон юзтадан беш юзтагача кўтарилди. Кейин минг, эллик минг... юзминг... бир ярим йилда миллион нусхада нашр этила бошлади. Йил сайин тиражи рекорд даражада ўсиб борди. Нега? Чунки Сидалл ўз ўқувчилари манфаатлари нуқтаи назаридан журнални нашр этарди.

Унутманг, сиз қачон ўз тингловчиларингиз билан юзма-юз турар экансиз, улар сиздан ўзлари учун қизиқарли, манфаатли бўлган мавзулардаги суҳбатингизга интизор бўлишади. Буларни тўғри ҳисобга олмаган нотиклар тез-тез қўл соатларигаю залдан чиқиш эшигига кўз ташлаб қўяверадилар.

Маърузанинг кириш қисмидаёқ тингловчилар диққат-эътиборини ўзига торта олган нотик ўз нутқини турли вазиятларда мароқли давом эттира олади.

Жаноб Гарольд Мак-Миллан Индиана штатидаги де Пау университетининг битирувчилари олдида шундай усулни қўллаганди: «Мен сизларнинг самимий саломлашувларингиздан жудаям миннатдорман. Сизнинг машҳур ўқув даргоҳингизга Буюк Британия бош министрини таклиф қилишингизнинг ўзи шунчаки гап эмас. Лекин гап бугун мен эгаллаб турган лавозимда эмас. Сиз билан ажойиб боғлиқлик томонларимиз ҳам бор...» Шундан кейин у онаси Индиана штатида туғилганлиги, америкалик эканлигини, отаси эса де Пау университетининг илк битирувчиларидан бири эканлигини айтганда аудитория гулдурос қарсақлардан янграб кетганди. «Сизларни мен оиламизнинг муқаддас анъаналарини сақлаган ва давом эттирган ҳолда ишонтириб айтмоқчиманки, де Пау университети мен учун жуда қадрдон маскан», дея учрашувга жўшқин тус берганди.

Ҳаммани ўзига қаратувчи яна бир услуб бор. Залда иштирок этаётган машҳур ва ҳурматли кишилар номларини тилга олиб ўтиш ҳам зўр натижа беришини бир катта зиёфатда англадим. Кечани бошқарувчи турли бурчакларда меҳмондорчиликда иштирок этаётган ҳоким ва жаноблар номларини ёрдамчилари воситасида аниқлаб

олар, уларга мурожаат қилар, ҳаммага таништириб, сўзга чиқишга таклиф этарди.

«Дженерал дайнемикс» корпорацияси президенти Френк Пейс ҳам шу тариқа Нью-Йоркдаги диний жамият ҳартиясида шундай деган экан: «Бу оқшом мен учун ҳар томонлама фахрлансам арзийдиган кундир. Сабаби сафимизда муҳтарам Роберт Эпльярд иштирок этмоқдалар. У кишининг йиғилишдаги ҳар бир сўзи, раҳбарларга хос синчков ва меҳрибонлиги ҳаммани илҳомлантиради, қувонч бахш этади. Иккинчидан, жамиятимиз, эътиқодимиз йўлида жонкуярлик қилиб келаётган фахрли инсонлар Леви Страус ва Боб Стивенс билан ёнма-ён ўтирганим мен учун катта хурсандчилик бахш этаётир...»

Бизнинг бу ерда кичик, айна вақтда масъулиятли эслатмамиз бор. Сиз давраларда, йиғилишда ўзгалар номини тилга олишда жудаям эҳтиёт бўлишингиз лозим. Исм-фамилия ва вазифасини, унвонини тасодифан эшитиб қолиб тилга олиш бир мунча ноқулайликлар туғдириши мумкин. Шунинг учун ном ва мансабларни аниқ-тиниқ билиб олган ҳолда тилга олган маъқул. Яна бир гап: номларни керакли ўринлардагина тилга олган маъқул. Қайта-қайта бир номни тилга олавериш эса ўтирганларга, номи зикр этилган шахсга малол келиши мумкин. Қолаверса, ҳурмат кўрсатиш ялтоқланиб кетишга, қуруқ лаганбардорликка айланиб кетмаслиги лозим.

Яна бир эслатмамиз шуки, йиғилганларга, даврадагиларга доимо «Сиз» ибораси билан мурожаат қилиш ҳам эътиборни тортади.

Кўпчилик нотикларнинг фикрича, ҳар бир кишини ўзи иштирок этаётган аудиториянинг аъзоси ҳисоблаш лозим. Бинобарин, у аудитория ва минбардаги киши оралигидаги сунъий деворни мутлақо олиб ташлаши лозим. Мен бир нотикнинг чиқишини кузатгандим. У машинанинг тўхташи жараёнида тормознинг қанча масофагача боришини тушунтирмоқчи эди. У бир вақт залнинг олдинги сафида ўтирганлардан бирининг қўлига пўлат рулетка тасмасини бериб, саҳна томонга юришини илтимос қилди. У шу тариқа тингловчиларнинг эътиборини машина тезлиги ва тормозланиш масофасига қаратди. Бутун залда ўтирганлар сўзсиз бу манзарани кўришга ва эшитганларига нисбатан таққослашга киришдилар. Бу тингловчилар билан боғланишнинг энг оддий тури. Ваҳоланки, аксари йиғилишларда кўпчилик маърузанинг тезроқ тугашини, тушликка чиқишни ёки телевизорнинг кечки кўрсатувлари қандай бўлишини ўйлаб ўтирадилар.

Аудиторияни жалб этишнинг яна бир тури тингловчилар билан суҳбатни савол-жавоб тарзида олиб бориш энг яхши самара беради. Бундан ташқари, муаммоли масалаларни ҳал қилишда тингловчилардан ким қайси фикрга қўшилишини қўл кўтариб билдиришларини сўраш ҳам жонли мулоқотни кучайтиради. Бу тингловчи ва нотик ўртасидаги ҳамкорликка асос бўлади. Ҳа, иложи борица тингловчиларнинг муносабатини ҳаммага ошкора тарзда олиб бориш кўзланган мақсадни амалга ошириш имкониятини беради.

Биз Авраам Линкольн ҳаётини қанчалар чуқур ўрган-сак, шунчалик ҳайратомуз фикрларга дуч келамиз. Муҳта-рам ўқувчиларимизга аввалги бобларда бу тараққийпар-вар инсон ҳақида бир талай лавҳаларни баён қилгандик. «Қақраб ётган қумликда қурилган бино узоқ турмайди. Ярми қул, ярми ҳур мамлакат ҳеч қачон узоқ яшамайди» каби доҳиёна сўзлар Линкольнга тегишлидир.

У ёшлик чоғиданоқ ҳаётнинг кулиб боқмаган саҳнасида узоқ йиллар қаттиқ меҳнат ва курашлар эвазига ғолиб чиқ-қан кучли сиёсатдон даражасига кўтарилган инсондир.

Шундай инсоннинг дастлабки маърузаларига ҳеч ким келмаганлиги ҳақида маълумотлар бор. У бундан ран-жимади, аксинча янада кўпроқ ўқиб, кўпроқ муҳокама юритади, йиғинларда, сайловлар арафасида мустаҳкам, ишончли далил ва ҳужжатларга бой нутқи билан минг-минглаб америкаликларнинг қалбини забт этади, охир-оқибат Америка Қўшма Штатлари президенти даража-сига кўтарилади.

У нотиқлик санъатининг ўзига хос услубига асос сол-ган шахс сифатида эътироф этилади.

СИЗ ҲАММА НАРСАГА ҚОДИРСИЗ!

Азиз китобхон! Мана сиз билан бир неча йиллардан бери машҳур руҳшунос адиб Дейл Карнеги асарлари билан ўзбек тилида «Сиз излаган китоб» рукнидаги рисоалар орқали суҳбатлашиб келмоқдамиз.

Муқаддимада баён қилганимиздек, Карнеги асарлари таржимасида эркин услубни қўллаган ҳолда уларни сизга етказишга ҳаракат қилдик.

Сиз ушбу китобда келтирилган лавҳаларни қайта-қайта ўқиш, фикр-мулоҳаза юритиш билан руҳиятингизда етмиш-саксон фоиз енгиллик ҳис қилишингизга ишонамиз.

Сабаби, китоб аллақандай олди-қочди гаплардан, воқеалардан, сийқаси чиқиб кетган баъзи мавзулардан ташкил топган тўплам эмас. Рўй-рост баҳо бериш лозим бўлса – китобда ҳаёт сабоқлари уфуриб туради.

Ҳа, шундай. Сиз ўз куч-қувватингизга, бебаҳо иқтидорингизга қатъий ишонинг. Сиз ҳамма нарсага қодирсиз.

Чиндан ҳам бу китоб Сизга қандай ёзилганлигини билиш учун эмас, ҳаётингизга қўлланма тарзида фойдаланишингиз учун ҳамиша керак бўлади. Китоб сизни ҳаётдан завқланишга чорлай олмаса, Сизга ҳеч қандай кўмак бермаса, иккиланиб ўтирмай, уни дуч келган томонга улоқтириб юборишингиз мумкин.

Зеро, таассуроти суст асар Сиз учун бефойдадир.

*Эҳтиром ила мутаржим
Хайрулла Қосимов*

Оммавий нашр

Дейл Карнеги

САБОТ ОРТИДАГИ МАНЗИЛ

Таржимон: Хайрулла Қосимов
Муҳаррир: Адиба Ҳамро қизи
Бадий муҳаррир: Намоз Толипов
Техник муҳаррир: А. Турсунов
Мусаҳҳиҳ: И. Нурулло
Ношир: Акмал Нажмиддинов

Нашриёт лицензияси: А1¹ 092.

Теришга берилди: 11.06.12. Босишга рухсат этилди: 12.01.13.
Бичими 84x108 1/32. Офсет қоғози. Times гарнитураси. Шартли
босма тобоғи 3,75. Нашриёт ҳисоб тобоғи: 4,0. Адади 1000.

Буюртма рақами – 08-12.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Нашриёт манзили:

«Yurist-media markazi» нашриёти,
Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 82-уй.
Тел.: 717-76-88, 230-04-74
E-mail: yurist_media@mail.ru

Босмаҳона манзили:

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖда чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 4-уй.

